

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Эшназарова Марғубаҳон**

**Информатикани ўқитишда  
интерфаол усуллар**

**Наманган – 2015**

Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда Наманган вилояти халқ таълими ўқитувчиларининг “Информатика” фанини замонавий АҚТ ва педагогик технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича услугбий қўлланма.

**Тузувчи:** п.ф.н. М.Эшназарова

**Тақризчи:** А.Имомов, НамДУ “Амалий математика” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.-м.ф.н.

Т.Джураев, НМПИ Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари) факультети декан ўринбосари, т.ф.н.

Ушбу услугбий қўлланма олий таълим муассасаларининг математика ҳамда амалий математика ва информатика бакалавриат йўналишларида ўқитиладиган “Информатика ўқитиш усуллари” фанига бағишиланган. Ундан нафақат олий таълим муассасалари талабалари, балки умумий ўрта таълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, малака ошириш тингловчиларини фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Ушбу услугбий қўлланма университет ўкув-услубий кенгашининг 2016 йил 23-сонли баённомаси билан чоп етишга тавсия этилди.

## МУНДАРИЖА

<b>1-мавзу:</b> Бўлажак математика ва информатика ўқитувчисининг узлуксиз таълим тизимидағи ўрни. Курснинг предмети, мақсади, вазифаси ва мазмуни.....	4
<b>2-мавзу:</b> Академик лицей ва қасб-ҳунар колледжларида “Информатика” фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш.....	11
<b>3-мавзу:</b> Математика ва информатикани ўқитишида масофали ўқитиши тизимидан фойдаланиш.....	15
<b>4-мавзу:</b> Информатикани ўқитишида Интернет хизматидан фойдаланиш.....	28
<b>5-мавзу:</b> Информатикани ўқитишида педагогик технологиялар.....	35
<b>6-мавзу:</b> «Ахборот тизимлари ва уларнинг турлари» мавзуси бўйича маъруза машғулотнинг методик ишланмаси.....	47
<b>7- мавзу:</b> Информатика фанидан ўқувчилар билимини назорат қилиш усуллари.....	50
“Информатика ўқитиши усуллари” фани бўйича назорат саволлари.....	55
“Информатика ўқитиши усуллари” фани бўйича тест саволлари.....	57
Технологик харитадан наъмуна.....	65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66

**Мавзу: Бўлажак математика ва  
информатика ўқитувчисининг узлуксиз  
таълим тизимидағи ўрни. Курснинг  
предмети, мақсади, вазифаси ва мазмуни.**


Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат мақомига эга бўлиши, ўзига хос ва ўзига мос иқтисодий ривожланиш йўлини танлаши таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш, кадрлар тайёрлашнинг тузилмаси ва мазмунини қайта кўриб чиқиш заруратини туғдирди. Шу муносабат билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ислоҳотларнинг кўлами ва хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар заминидаги ғояни амалга ошириш бир қатор муҳим омилларга боғлиқ. Улар орасида шундай мураккаб муаммолар борки, бу муаммоларни муваффақиятли хал этмай туриб туб ўзгаришлар самараси ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Мана шундай муаммолардан бири информатика йўналишини ташкил этувчи «Информатика ва ХТ асослари», «Информатика», «Информатика ва ахборот технологиялари» каби фанларни ўқитиши муаммосидир.

Информатика йўналишидаги фанларни ўқитиши зарурияти, тузилмаси ва фаолият кўрсатиш соҳаларида юқори суръатлар ва фундаментал ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги жараённинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Жамиятдаги бундай ўзгаришларнинг илдизи ахборотлар ҳосил қилиш, уларни сақлаш, узатиш ва улардан фойдаланишнинг янги усул ва воситаларига бориб тақалади. Биз ахборотлашган даврда турибмиз. Доимо ортиб бораётган ахборот ҳажмини қайта ишлаш ва ўз фаолият доирасида ундан унумли фойдаланиш зарурияти билан дуч келаётган жамият аъзолари, касб эгалари сони тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги даврда реал шарт-шароит шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ахборотлашган аср эҳтиёжларига мослаштирасликнинг иложи йўқ.

Ушбу масалага «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини руёбга чиқаришнинг иккинчи босқичида (2001-2005 йиллар) ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли адабиётлар ва илғор педагогик, шу жумладан, ахборот технологиялари билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштиришни амалга ошириш



вазифаси қўйилган эди. Ҳозирги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини руёбга чиқаришнинг учинчи босқичи амалга оширилмоқда.

«Информатика» йўналишидаги фанларни ўқитиш заруратининг замини, асоси бўлиб куйидагиларни англаш ҳисобланади:

- Компьютерлар, компьютер ва коммуникацион технологиялар дунёдаги ахборий инқилобнинг маҳсулидир.
- Ўзбекистон Республикасининг таълим жараёнини компьютерлаштиришнинг жаҳон даражасига мослаштириш йўлларини излаш зарур.
- Компьютерли таълим - жараённинг самарадорлигини оширувчи қувватли воситадир, чунки у ўқув ахборотларини сифатли етказиш имкониятларини кенгайтиради, фанни ўрганишга бўлган қизиқиши (мотивация)ни оширади, таълимни қизикарли олиб бориш имконини кенгайтиради, ўқув фаолиятини бошқариш усулларини ўзгартиради, ўқитувчининг ахборот узатувчи сифатидаги ролининг юқори даражада бўлишини таъминлайди ва ҳоказо.
- Замонавий компьютерларда график интерфейс, «дўстона» мулоқот воситалари ва бошқа имкониятларнинг мавжудлиги барча соҳа мутахассисларига, умуман фойдаланувчиларга компьютер билан бемалол мулоқот қилиш имконини беради.
- Компьютер саводхонлиги натижасида болалар ўзгариб бораётган дунёда келажак хаётга ва моддий фаравонликка эришишга яхшироқ тайёр бўлишлари мумкин.
- Замонавий компьютер технологияларининг имкониятлари шу даражадаки, улардан нафақат таълимда, балки, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашда хам фойдаланиш мумкин.

Мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва ундан кейинги таълим босқичларини ўз ичига олган, информатика ва дастурий таъминот буйича мутахассис бўлмаганларга мўлжалланган «Информатика» фанини педагогикамиз учун янги бўлган низом ва қарашлар тизимиға асосланган. Таълимда “Информатика” фанини ўқитишида энг асосий долзарб масалалар куйидагилардир:

- кадрнинг бутун «хаётий цикли» ҳисобга олиниши керак;
- «Информатика» фанини ўқитиши дунёнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунидаги ўзгаришларни акс эттириши керак;

- информатика ва дастурий таъминот буйича мутахассис бўлмаганларга дастурлашни ўргатиш заруриятидан воз кечиши лозим;
- «Информатика» йўналишидаги фанларни ўқитиши диалектик спирал тамойили асосида қурилиши керак;
- ишлаб чиқилаётган ўқув курслари мазмунининг янгилиги ва долзарблик муддатини узайтириши, ахборотни қайта ишлаш тамойилларига урғу бериш асосидагина амалга ошириш мумкин;
- ўқиши вақти ресурсларни ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўқув ижодий фаолиятини ташкил этиш фойдасига қайта тақсимлаш.

1-мактабгача таълим

2-бошлангич таълим (информатиканинг пропедевтик курси)

3-умумий ўрта таълим (5-9 синфлар, таянч таълим)

4-академик лицей ва касб-хунар таълим (таянч таълим)

5-бакалавриат

6-магистратура

7-докторантура

8-малака ошириш ва қайта тайёрлаш

## **Мактабларининг қуи синфларида информатикани ўрганиши**

Қуи синфларда "Информатика" курси, фанларни боғловчи, яъни компьютер математика, ўзбек ва рус тили курсларини ўқитишида ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади.

Бундан ташқари информатикага тегишли саволлар:

- клавиатурани ўрганиш;
- шахсий компьютерларнинг қурилмалари билан танишиш;
- ахборот тушунчаси;
- алгоритм тушунчалари берилиб, асосан тайёр ўқув дастурлари билан

ишлашга эътибор берилади.

Қуи синфларга бу курсни киритишдан мақсад - ўқувчи ўз иш фаолиятида компьютерда ишлашни ўрганишdir.

Компьютерлар билан танишиш мактабгача ёшдан, болалар компьютер ўйинлари уйнаб, ЭХМ билан дастлабки мулоқот қилиш кўникмаларини эгаллашларидан бошланади. Ҳозирги кунда қўпгина мактабларда эса

«Информатика» фанининг ривожланиши бошланғич синфлардан бошланмокда.

**1-синф (17 соат, ҳафтасига 1 соат)**

- |   |   |
|---|---|
| 1. Шахсий компьютерлар билан танишув              | 2 |
| 2. Компьютернинг асосий қурилмалари билан танишув | 4 |
| 3. Клавиатура билан ишлаш                         | 7 |
| 4. Ўйинли ўқув дастурний таъминоти билан ишлаш    | 4 |

**2-синф (34 соат, ҳафтасига 1 соат)**

- |  |    |
|--|----|
| 1. Компьютернинг қушимча қурилмалари           | 2  |
| 2. Клавиатура билан ишлаш                      | 15 |
| 3. Ўйинли ўқув дастурний таъминоти билан ишлаш | 4  |
| 4. Тест олувчи дастурний таъминоти билан ишлаш | 13 |

**3-синф (34 соат, ҳафтасига 1 соат)**

- |  |   |
|--|---|
| 1. Информатика кабинети                                  | 2 |
| 2. «Тетрис», «Строитель» ва бошқа дастурлари билан ишлаш | 8 |
| 3. Калькулятор билан ишлаш                               | 8 |
| 4. Матн билан ишлаш                                      | 8 |
| 5. Ўйинли ўқув дастурний таъминоти билан ишлаш           | 8 |

**4-синф (34 часа, ҳафтасига 1 соат)**

- |  |    |
|--|----|
| 1. Компьютернинг дастурний таъминоти           | 4  |
| 2. Ахборот тушунчаси. Ахборотлар билан ишлаш   | 10 |
| 3. Алгоритмнинг ёзув турлари                   | 8  |
| 4. Бизнинг хаётимиизда алгоритмларнинг ўрни    | 4  |
| 5. Ўйинли ўқув дастурний таъминоти билан ишлаш | 8  |

**Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти**

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини (УЎТ ДТС) яратишнинг муҳим зарурияти кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, миллий умумтаълим мактабларини халқаро даражага кутариш; унинг кейинги функциялари қайта қуриш тузилишининг негизи асосида таълим дастурлари ва ўқув-методик тўпламларини янги сермазмун таъминлаш; хақиқий демократик ва ижтимоий принципларда ташкилий ва бошқарув функцияларни шакллантириш талабларига асосланган.

УЎТ ДТС Ўзбекистон Республикаси «Таълим хақидаги» қонуннинг айрим қисмини изоҳловчи асосий норматив ҳужжатdir.

УЎТ ДТС тузилиш, мазмун ва унинг талаб даражасини аниқлайди, таълим, тарбия ва ривожлантириш натижаларини баҳолаш, шакл ва методларни ўргатади. УЎТ ДТС умумий ўрта таълим талаб даражасини мувозанатли, унинг доимий ривожланишини, ривожланган фан маданият ва техниканинг дунё даражаси талабига жавоб берга олишини таъминлайди.

УЎТ ДТС ўз мохиятини умумий ўрта таълимнинг асосий компонентларига – таркибини хосил қилувчилар: ўқув режасининг асоси, ўқув соҳасининг мазмуни, билим сифатига, кейин ўқувчиларни лицей ёки коллежларда ўқишни давом эттиришга тайёргарлигига қўйиладиган минимал мажбурий талаблар таърифини кўрсатади.

УЎТ ДТС ўқув жараёнида янги педагогик технология, таълим дастурлари, умумдемократик принципларда ташкилий–бошқарув функцияларни ривожлантириш, ўқувчиларга шахс сифатида қараш, ўқутарбия жараёнини демократлаштириш, ижтимоийлаштириш, ижтимоий муассаса сифатида мактаб ҳуқуқларини кенгайтириш, жорий қилишни назарда тутиб умумтаълим мактабларининг асосий йўналишларини аниқлайди.

УЎТ ДТС таркиби:

- 1) ўқув режасининг асоси (УЎТ ДТС бош даражасида);
- 2) ўқув соҳаларининг асосий қисмининг мазмуни (ўқув предметлари);
- 3) баҳолаш тизими, баҳолаш жараёни; битирувчилар тайёрлаш даражасига талаблардан ташкил топади.

УЎТ ДТС мазмуни тузилишига мажбурий ва қушимча компонентлар киради. Ўқув режа – УЎТ ДТС нинг марказий даражаси. Асосий ўқув режа умумтаълим соҳасида ўқув предметларини ва уларни ўрганиш учун вақтини белгилайди.

УЎТ ДТС нинг таълим соҳаси мазмуни миллий мустақиллик ва демократия, халқнинг диний-ахлоқий мероси ва умуминсоний бойликлари асосида таълим, тарбия ривожлантиришни таъминлаш учун танланган. Асосий дидактик принциплар уч даражали тузилиш асосида амалга оширилади:

- 1-даражада (минимал) таълим соҳа асосининг тизими билимларни ўз ичига олади ва билимни кенгайтириш ва мукаммаллаштириш учун негиз бўлиб хизмат қиласида. У хамма учун мажбурийдир;

- 2-даражада (асосий) биринчига қараганда тулароқ, чуқурроқ, янги билимлар билан, лекин умумтағым чегарасидан чиқмаган ҳолда, бойитиб борилади;
- 3-даражада фанга қызыққанлар ва уни ўзлаштира оладиган ўқувчилар учун алоҳида маҳсус билимлар йўналиши.

Информатика мактаб курсини ўқитиш алгоритми, дастурлаш тиллари, компьютер, янги технология ва улардан фойдаланиш турли вазифаларни ечишда компьютерни қўллаш усуллари ва қоидалари, оддий малакалар хосил қилиш ҳақида ўқувчида тасаввур хосил қилишга қаратилган. Бу билан бирга ушбу курсда ахборот технологиясидаги ўрни, янги компьютер ўрнининг мазмuni ва роли, уларнинг мустақил ўз технологияси, фантехникаси ривожланишига таъсири билан таништириш мақсадлари бор. “Информатика” таълим соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари ахборот, алгоритм ва унинг ижро чиси, янги компьютер техникасида ахборотларни кодлаш, ўлчаш ва қайта ишлаш усуллари; замонавий ахборот технологияси ривожланиши ва моҳияти, дастурлар ва дастурлаш тиллари, операторлари, интегралашган тизимлар, автоматлаштирилган иш жойи ва бошқарув тизими; қоғозсиз ахборот тизими.

Стандарт таълим мазмунининг умумий талаблари ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига, алоҳида ўқув муассасаларнинг инвариант имкониятларини тенг даражада компьютер билан таъминланмаслик шарти асосида, турли хил имкониятли мактабларнинг ўқувчилари информатика дарсидаги амалий фаолияти, бу предмет буйича таълимнинг асосий мазмунини англаш фақат талабларни минималлаштириш йўли билан амалга оширилади.

### **«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курсининг мазмуни**

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» таянч курси умумтағым мактабларининг 5-9-синфларида ўқитилади. Кейинчалик «Информатика» фани академик лицей ва касб - хунар колледжларида ва нихоят, олий ўқув юртларида ўқитилмоқда.

Мисол сифатида 8-9-синфлар учун мўлжалланган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фанининг мазмунини тулиқ қўриб чиқамиз.

**«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари»**  
**фанининг дастури. 8-синф. ҳафтасига 1 соат. хаммаси 34 соат.**

1 – боб. Ахборот

1. Кириш. Информатика. Ахборот тушунчаси. Ахборотларнинг хоссалари ва тасвирлаш усуллари. Ахборот жараёнлар. Жамият ривожланишида информатикани ўрни. Жамиятни ахборотлаштириш. Ахборот технологиялари.

2. Ахборотларни ЭҲМга ўтказиш.

Саноқ системаси. Сонларни бир системадан бошқа системага ўтказиш. Иккилик саноқ системаси. Иккилик саноқ системасида арифметик амаллар. Иккилик кодлаш. Ахборотларни ўлчов бирлиги.

2 – боб. Шахсий компьютер

3. Ҳозирги давр шахсий компьютерлари. Шахсий компьютерларнинг ривожланиш тарихи. Шахсий компьютернинг архитектураси, асосий қисмлари, уларнинг вазифалари. Хотира. Процессор. Киритиш қурилмаси: клавиатура, манипуляторлар. Чиқариш қурилмаси: монитор ва уларнинг турлари, принтерлар ва ҳар хиллиги. Ахборот ташувчилар.

3-боб Информацион технология

4. Операцион тизимлари (ОТ). Операцион тизими тушунчаси. Операцион тизимлар ва уларнинг ҳар хиллиги. Диск операцион тизим (ДОТ). Файллар таркиби. ДОТ буйруқлари. Фойдаланувчи интерфейс. Меню.

5. Матнларни қайта ишлаш технологияси. Матн таҳриргачни кўллаш ва имкониятлари. Матн таҳриргачнинг асосий тушунчалари. Матн таҳриргачнинг тизимлари. Матнни киритиш қоидалари. Ҳужжатни саклаш. Ҳужжатни таҳрир қилиш. Ҳужжатни форматлаш. Ҳужжатни чоп этиш. Матн таҳриргачнинг қушимча имкониятлари.

**«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари»**  
**фанининг дастури. 9-синф. ҳафтасига 2 соат. Хаммаси 68 соат.**

1. График таҳрирлаш. Таҳрирлашни имкониятлари ва қўлланиши. Буйруқлар тизими. Тасвир чизиши. Ҳужжатни саклаш. Тасвирни таҳрирлаш ва форматлаш. Тасвирни чоп этиш. Қушимча имкониятлари.

2. Маълумотлар омбори: Маълумот ва уларнинг турлари. Маълумотлар омборининг имкониятлари ва қўлланилиши. Асосий тушунчалари. Маълумотларни тўплаш, саклаш, излаш, жойлаштириш ва қайта ишлаш усуллари. Маълумотлар устида амаллар.

3. Электрон жадваллар. Электрон жадвалларни қўлланиши ва имкониятлари. Электрон жадвалнинг асосий тушунчалари: сатр, устун, ячейка. Электрон жадвалнинг буйруқлар тизими. Жадвалнинг сақланиши. Формула буйича хисоблаш. Электрон жадвалнинг қўшимча имкониятлари.

4. Алгоритмлар. Алгоритм тушунчаси. Алгоритмларнинг асосий хоссалари. Алгоритмнинг тасвирилаш усуллари. Блок – схемаси. Чизиқли, тармоқланувчи ва такрорланувчи алгоритмлар.

5. Дастурлаш асослари. Дастурлаш турлари ва уларнинг қўлланиши. Дастурлаш тилларининг турлари. Тилнинг алифбоси. Сон, ифода, стандарт функциялар. Тилнинг буйруқлари. Чизиқли, тармоқланувчи ва такрорланувчи дастурлар тузиш. Белгили миқдорларни қайта ишлаш. Массив тушунчаси. Қисм дастури.

6. Амалий дастурлаш. ЭҲМда масала босқичлари. Амалий ва ўкув масалаларни ечиш. Ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш.

7. Замонавий информацион технологиянинг келажаги. Замонавий информацион технологиясининг инсон ва жамият ривожланишидаги аҳамияти. Ўзбекистон республикасида информатизациялаш ривожланишининг келажаги. Ахборот узатишнинг информацион тизими.

Берилган дастурдан кўрамизки, информатика курсининг асоси ШК билан, унинг дастурий таъминоти билан, ҳамда дастурлаш асоси билан танишишдан иборат.

## **2 - Мавзу: Академик лицей ва касб-хунар колледжларида “Информатика” фани бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш.**

**1. Академик лицей ва касб-хунар колледжларида информатика курсининг мазмуни**

**2. Информатика кабинети, унинг асосий мақсади ва вазифалари**  
**Академик лицей ва касб-хунар колледжларида информатика курсининг мазмуни**


Академик лицей ва касб - хунар колледжларида дастур шахсий компьютерларнинг дастурий таъминотини ўрганиш асос қилиб олинган. Ушбу фанни узлуксиз таълим тизимининг бу босқичига киритилишидан мақсад ўкувчиларни ахборотни излаб топиш, танлаш, иш жараёнида ва ҳаётда ахборот технологиялари ёрдамида улардан фойдаланиш ва тасвирилашга ўргатишдан иборат.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2012 йил август ойида тасдиқланган академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун «Информатика» фанининг ўқув дастурига киритилган асосий мавзулар (бўлимлар) ва уларни ўрганиш учун ажратилган соатлар келтирилади.

Дастурнинг бўлимлари бўйича соатларни тахминий режалаштириш

№	Мавзулар	Ажратилган соатлар		
		Жами	Назарий машгулот	Амалий, лаборатория машгулотлари
1	Информатика хақида умумий маълумотлар. Маданий, аҳборот, жамият.	12	6	4
2	Шахсий компьютерлар билан ишлаш.	26	10	12
3	Компьютер графикиси.	10	4	4
4	Матн мухаррирлари.	28	10	14
5	Электрон жадваллар.	26	10	12
6	Маълумотлар базаси.	18	10	6
	Жаъми	120	50	52


**Информатика бўйича таълимнинг узлуксиз тизими**, бу вазирлик томонидан тасдиқланган дастур бўлиб, биринчи ўқув йилидан бошланиб, охири олий ўқув юртларида ва университетларда информатика курсини ўқитишидир.



«ВЕНН диаграммаси»

У икки ёки ундан ортиқ катта ўлчамдаги ўзаро кесишувчи айланалар асосида тузилади. Айланалар орасида ёзув учун етарли жой колиши керак.

Бу диаграмма асосан гояларни контрастлаши (бир-биридан ажратиш) учун қулланилади ва таққосланаётган обьектларга хос умумий ва индивидуал ҳусусиятларини кўрсатиб беради.



**Вазифа:** «ВЕНН диаграмма» асосида ўрта мактабларда ўқитиладиган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фанининг академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўқитилаётган «Информатика» фанининг мазмунларини таққослаб беринг.

## **Информатика кабинети, унинг асосий мақсади ва вазифалари**

**Информатика кабинети** – бу умумий ўрта мактаблар, академик лицей ва касб-хунар колледжларнинг ўқув-тарбиявий қисми бўлиб, ўқув ҳисоблаш техникаси комплекти (ЎҲТК) билан, ўқув кўрсатиш қўлланмалари, ўқув жихозлари, мебеллар ва информатика курси буйича назарий ҳамда амалий дарсларни ўтказишга мўлжалланган кабинет.

Информатика кабинетидаги дарслар:

- ўқувчиларда компьютер саводини шакллантириш;
- ўқувчиларни ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқаришда, проект-конструкторлик ташкилотлари, илмий муассасаларда, ўқув жараёни ва бошқаришда ишлатиш билан танишириш;
- информатика асосларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда назарий фикрлашни ривожлантириш;
- мактабда ўқув-таълим жараёнини ташкил этишни ва ўқитиш услубларини такомиллаштиришга ҳизмат қилиш керак.

Информатика кабинетида қуидагилар ўтказилади:

- информатика дарслари ва ҳисоблаш техникасини, кинофильм, диапозитивлар, таблица ва бошқа ўқув кўрсатиш қўлланмаларидан фойдаланиб алоҳида умумтаълим ўқув предметлари;
- информатика курси буйича дарсдан ташқари ва факультатив дарслар;
- тажриба дарслари ва амалий машғулотлар.

Информатика кабинетида психологик, гигиеник ва эргономик қулай муҳит бўлиши керак, у шундай ташкил этилган бўлиши керакки, муваффақиятли таълимга, ақлий ривожлантириш ва ўқувчиларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга, информатика ва фан асосидан мустаҳкам билим, малака ва маҳорат олишга таъсир кўрсатиш керак ва ҳавфсизлик ҳамда соғлиқни сақлаш талабларга жавоб бера олиши керак.

Информатика кабинетини жихозлаш:

- таълимда якка муроқотни амалга ошириш, компьютерда мустақил иш ва машқларни ташкил этиш учун вазифалар;
- илмий ва услубий адабиётлар тўплами;
- ЭҲМ учун ўқувчилар томонидан тузилган энг яхши дастурлар тўплами;
- ўқувчилар учун журнал;
- иш жойида ЎҲТКдан фойдаланиш журналлари;
- машиналар ишламай қолиши ва ремонти бўйича журналлар;
- ўт учирини воситалари;
- ўқув жиҳозлари кабинетида мавжуд ҳисоб учун инвертар дафтари.

Ўқувчи ва ўқитувчи иш жойларини жиҳозлаш асосан шахсий компьютер бўлган ўқувчини иш жойи ва ўқитувчини иш жойлари ташкил этади.

Ўқувчини иш жойи ва ўқитувчини иш жойларини таркибини кўриб чиқамиз.

Ўқитувчининг иш жойи ўз ичига монитор, системали блок, клавиатура, босмага чиқариш ускуналари ва бошқа қушимча ускуналарни (мультидемия, сканер ва бошқалар) олади.


Ўқувчиларнинг иш жойлари таркибиға фақат компьютернинг асосий элементлари (клавиатура, системали блок, монитор) киради.

### **Информатика кабинетига компьютерларни жойлаштириш**


Ўқувчиларнинг иш жойи - информатика кабинетига ўқувчиларни бемалол киришини ва ўқитувчининг дарс вақтида ҳар бир ўқувчи олдига кела олишини таъминлаш керак.

Информатика кабинетида ЭҲМ билан иш жойларининг уч вариантда бўлиши мумкин:


- периметриал; қаторлар; марказий



периметрал



қаторлар



марказий

**Вазифа:** Информатика кабинетидаги компьютерларнинг жойлаштирилиши периметрал ёки қаторлар варианти санитария талабларига мос келишини Т-схема кўринишида келтиринг.

**Асосий атамалар:** Замонавий информатика кабинети, жихозлари, периметриал, қаторлар, марказий.

|| Саволлар

1. Академик лицей ва касб - хунар колледжлар дастурининг солишитирув таҳлилини қилинг. Уларнинг ҳар бирининг ҳусусиятлари нимадан иборат?
2. Замонавий информатика кабинети бу нима?
3. Замонавий информатика кабинетининг асосий функциялари ва вазифалари нима?
4. Замонавий информатика кабинетини жиҳозлашдаги асосий талаблар нимада?
5. Замонавий информатика кабинетида компьютерларни жойлаштиришнинг қандай турлари мавжуд? Улардан қайси бири кўпроқ маъқул?
6. Замонавий информатика кабинетида ишлаш техника хавфсизлигини ёзиб беринг.
7. Замонавий информатика кабинети қандай ташкиллаштирилади?

**3-Мавзу: Математика ва информатикани ўқитишда масофали ўқитиш тизимиidan фойдаланиш**

1. Масофали ўқитиш нима?
2. Бугунги кунда масофали ўқитишни ривожлантириш.
3. Масофали ўқитишнинг афзаллиги.
4. Масофали таълим ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши.

**Масофали таълим.** Масофали таълим - ўкув машғулотларнинг хаммаси ёки кўп қисмининг ахборот ва телекоммуникация технологиялари асосида масофадан амалга оширишdir.

Масофали таълим ишдан ажралмаган ҳолда таълим олишни хоҳлаганлар, саломатлиги туфайли таълим муассасаларида ўқишига имконияти

бўлмаганлар, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчилари, иккинчи мутахассисликни олмоқчи бўлганлар учун долзарб таълим тури ҳисобланади.

АҚШда 1 миллионга яқин аҳоли масофали таълим орқали ўқийди. Асосан телевидениедан фойдаланилади.

**Испанияда** масофали таълим миллий университети фаолият кўрсатади. У орқали сиртқи таълим шакли ва ўқитувчилар малакасини ошириш амалга оширилади.

**Германияда** очик университет ташкил этилган бўлиб, у орқали малака ошириш, сиртдан олий маълумот олиш мумкин.

Масофали таълимнинг дидактик тизими:

-таълим мақсади;

-таълим мазмуни;

-таълим олувчилар;

-таълим берувчилар;

-таълим методлари (ахборотли-кўрсатмали, репродуктив, муаммоли, эвристик, тадқиқий);

-таълим воситалари (китоблар, тармоқ ўқув материаллари, компьютерли ўргатувчи тизимлар, аудио ўқув-ахборот материаллари, видео ўқув-ахборот материаллари, масофали лаборатория практикумлари, виртуал стендлар, тренажерлар, дидактик материаллар в.б.);

-ўқув-ашёвий қисм система (лаборатория хоналари, ўқув-методик материаллар, таълимнинг техник воситалари в.б.);

-назорат – идентификация қисм системаси (таълим олувчи шахсини аниқлашга ёрдам берувчи назорат шакллари, видеоконференция, в.б.);

-таълим шакллари (лекция, семинар, лаборатория машғулотлари, назорат ишлари, курс ишлари, зачет, экзамен, маслаҳат, мустақил иш);

-иктисодий-молиявий қисм система;

-хукуқий-норматив қисм система;

-маркетинг қисм системаси.

**Масофали таълим тамоилилари:**

-интерфаоллик;

-бошлангич билимлар;

-индивидуаллаштириш;

-идентификациялаш;

-таълимнинг қатъий тартиблилиги (регламентлилик);

-янги ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланишнинг мақсадга йуналтирилганлиги;

-таълимнинг очиқлиги ва мослашувчанлиги.

**Масофали таълим технологияси** қўйидагилардан таркиб топган:

-таълимий ахборотларни тақдим этиш технологияси;

-таълимий ахборотни узатиш технологияси;

-таълимий ахборотни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси.

**Масофали ўқитиши** бу интернет тармоғи орқали сизга қулай бўлган вақтда ўқишидир.

Масофадан ўқитишининг таркибий белгилари: ўқитувчи, ўқувчи, коммуникациядир.

Масофадан ўқитишининг услубий материаллари қўйидагилардир.

1. Дарслик,
2. Аудио ва видео дарсликлар,
3. Он-лайн дарслар (Интернет сахифаси)
4. Электрон кутубхоналар.
5. Тестлар.
6. Мультимедиа - электрон дарсликлар.

Ҳозирги кунда республикамизда хам масофадан ўқитиши услубий материаллари айрим фанларни ўқитишида фойдаланилмоқда ва яхши натижалар бермоқда. Электрон кутубхоналар, электрон дарсликлар, Он-лайн дарсликлари русмга кирмоқда.

Мультимедияли дарслик ўзида кўпгина маълумотларни мужассамлаштиргани билан бирга бу маълумотларни экранда намойиш этади, ҳамда овоз ёрдамида изоҳлайди. Мультимедия дарслигининг ҳусусияти у воқеа ва маълумотни яққол акс эттиради. Яъни мультимедия воқеа ва ходисаларни ҳаётйлаштиради. Бу матн, видео, тасвир, мультиплексия, овоз ва мусиқа ёрдамида амалга оширилади.

Масофадан ўқитишида виртуал кутубхоналар спутник орқали видеоконференциялар дарслар интернет ёрдамида мулоқот ва информация олиш имкониятлари пайдо бўлади. Бу эса ўқувчи учун маҳсус ўқиш доирасини беради. Ўқувчининг фанни ўзлаштириш тезлиги ва сифати кескин яхшиланади.

Масофадан ўқитиши қандай амалга оширилади?

Дунёда кўпгина университетларда ва ўқув марказларида бу усул мавжуд. Керакли манзилни интернетдан топишингиз мумкин. Манзилга

кириб, бу ўқиши талабаси бўлиш учун маҳсус шаклни тўлдиришингиз мумкин. Одатда аввал курснинг ва ўқиши тартиби ва тавсифи билан танишиб чиқиши мумкин. Кейин шаклдаги сатрларни тўлдириб кредит карточкангиз рақамини киритишишингиз зарур. Курсга кириши тартиби турлича, бу мутахассисликка боғлиқ. Ўқиши тартиби қуйидагича: ўқитувчи курс танишиширади ва топшириқлар беради. Сиз кўрсатилган манбаалар билан ишлаб топшириқларни бажарасиз ва ўқитувчига юборасиз. Ўқитувчи уни текшириб, жавобини сизга қайтаради, зарур ҳолда сизга кўрсатмалар беради. Шу тартибда курс мавзуларини ўрганиб чиқилади. Музокара асосан электрон почта орқали амалга оширилади.

Телефон тармоғидан хам баъзан фойдаланилади. Босма ўқув материалларини почта орқали юборилади. Ўқиши жараёнида талаба дарсликлардан, электрон кутубхона ва электрон формулалардан, видеоконференциялардан фойдаланади.

Бугун ўқиши индивидуал шаклда олиб борилади ва ўқитувчи ўқувчиларни қобилияти ва ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитади. Бу индивидуалик ўқувчидаги қизиқиши ўйғотади ва уни ўқишида фаолликка рақобатлаштиради.

Республикамиз Олий ва Ўрта Маҳсус таълимида масофадан ўқитиш тадбиқ этишига жиддий эътибор берилмоқда. Масофадан ўқитиш услуби ҳақида батафсил танишишимиз мумкин.

Кўпчилик Интернетдан фақатгина янгиликлар билан танишиш, информация қидириш, электрон почтадан фойдаланиш ёки гап сотиш учун фойдаланиши сир эмас. Интернетнинг имкониятлари кундан-кунга ошиб бормоқда.

Интернетдан фойдаланишнинг янги босқичи бошланди, яъни Интернет турли соҳаларга тадбиқ қилинди.

Интернет технологиялари: масофадан ўқитиш, электрон кутубхоналар, телемедицина, телеметрология, электрон тадбиркорлик, электрон магазинлар ва бошқалар.

### **Масофали ўқитиш тизимлари:**

Бугунги кунда тараққиёт жуда тез ривожланмоқда ва жуда тез ўзгармоқда. Деярли ҳар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида ўзгаришлар, янгиликлар кутилмаган воқеа-ходисалар содир бўлмоқда. Ҳар бир кунимиз кучли информация орқали бизни уйда, шаҳарда ва таътилда таъкиб этади. Инсон информация таъсиридан хам нормал фаолиятдан

юритишни олмайди. Хаётни англаш, уни ўрганиш орқали кечади. Инсоннинг билимлилик даражаси хам маълум давр ичида шахс томонидан ўзлаштирилган информацияларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланади. Шунинг учун замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимни такомиллаштиришда янги информацион технологиялардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг ташаббусига айланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури хамда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни хам зиммамизга шу маъсулиятни юклайди. Ва ниҳоят таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар руй бермокда. Таълим тизимида масофали ўқитиш услуги шакллари кўлланилмоқда. Масофадан ўқитиш услуги бу сиртқи ўқишининг янги шаклидир. Масофадаги ўқитиш мустақил ўқишидир. Мустақил ўқиш инсоннинг мустақил фикрлаш ҳолатини баҳолаш, хулоса ва башорат қилиш қобилияtlарини ривожлантиради.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллиги шундаки, ундан ўқувчи ўзига қулай вақтда ва хаттоки ишдан ажralмаган ҳолда ўқиш мумкин. Айнан шу афзалликлари туфайли бу услугуб дунёда ҳозирги кунда кенг тарқалган. Кўпгина йирик корхоналари мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзгартириш шу услубдан фойдаланиб йилига, миллионлаб пулларини тежамоқдалар.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллиги шундаки ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яни манба ихтиёрий пайтда ўқиши бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштириш топшириқларни тестларини бажаришга қараб аниқланади. Ўқувчи берган дастурни қанчалик тез ўзгартиrsa шунчалик тез ўқиши тугатади ва гувоҳнома олади.

Дастурни ўзлаштира олмаса, унга мустақил ўқишини давом эттиришга имконият берилади.

Масофадан ўқитишда одатта ишлаётганлар, оналар, ўқиётганлар бирор мутахассисликни эгаллаш мақсадида укийди. Бу услугуб ногиронлар учун жуда кулайдир.

### **Асосий тушунчалар:**

Масофадан ўқитишнинг усуллари, дарслик, аудио ва видео дарсликлар, Он-лайн дарслар (Интернет сахифаси), электрон кутубхоналар, мультимедиа.

### **Масофали таълим ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши.**

Кимки эскича ишласа, фан-техника янгиликларидан, Интернет имкониятлари ва юксак технологиялардан ортда қолса, унинг келажаги ҳам

бўлмайди. Республикаизда бугунги кунда компьютер технологиялари ва Интернет тармоғини ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Шунга кўра, таълим тизимидағи ўқув юртларида информатика ва янги ахборот технологиялари фанларининг ўқитилиши - давр талаби бўлиб қолмоқда.

Кадрлар тайёрлашнинг сифатини янада яхшилаш, таълим тўғрисидаги қонунни тўла амалга ошириш учун таълимнинг турли шаклларидан фойдаланиш зарур бўлиб келяпти.

Бу борада ҳукуматимиз томонидан кўп ишлар олиб борилмоқда. Шуларга Республикаизда янги ривожланган, "масофали таълим" деб номланган, таълим тури мисол қилишимиз мумкин. Таълимнинг бу тури шу пайтгача мавжуд бўлган таълим турларидан ўзининг айrim ижобий томонлари билан ажралиб туради.

Бу таълим турини пайдо бўлишига асосий сабаб деб информацион ва коммуникатив технологияларнинг тезкор ривожланиши ва улар асосида принципиал янги таълим технологиялари (интернет технологиялар) яратилишини ҳисоблаш мумкин. Интернет технологиялардан фойдаланиш бизга ўқув материалларни чексиз ва жуда арzon тарқатиш ва қўпайтириш, хамда уни ўқувчиларга тезкор ва аниқ етказиш имкониятларини яратиб берди. Шу билан бирга таълим интерактив бўлганлиги сабабли, ўқувчининг ўз устидан мустақил ишлашнинг ўрни жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Масофали таълим ўзи нима? Унинг қанақа ижобий ва салбий томонлари бор? Ўзбекистон Республикасида ундан фойдаланиш зарурати борми? Масофали таълимни ташкил қилиш учун нима керак?

**Масофали таълим моделлари.** Масофали таълим (МТ) - бу ўқитувчи ва ўқувчи бир бири билан масофа ёки вақт орқали ажратилган сабабли, информацион технологиялардан фодаланилган таълим тури.

Бу таълим турини бир неча моделлари мавжуд, улар масофали таълим ташкил қилинишига сабаб бўлган вазиятлари билан фарқланади: географик сабаблар (мамлакат майдони, марказлардан географик узоклашган регионлар мавжудлиги), мамлакатни компьютерлаштириш ва информациялаштириш даражаси, транспорт ва коммуникациялар ривожланиш даражаси, масофали таълим учун мутахассислар мавжудлиги, таълим соҳасида информацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражаси. ЮНЕСКО томонидан таклиф этилган қўйидаги моделларни кўриб чиқишимиз мумкин:

1) **Бирламчи модел.** Ушбу модел фақат масофали ўқувчилар билан ишлаш учун яратилади. Уларнинг ҳар биттаси виртуал ўқитувчига

бириктирилган бўлади. Консультациялар ва якуний назоратларни топшириш учун эса регионал бўлимлар бўлиши шарт. Шундай ўқув курсларда ўқитувчи ва ўқувчиларга ўқув шаклини танлашда катта имкониятлар ва озодликлар берилади. Бу моделга мисол қилиб Буюк Британиянинг Очиқ Университетидаги (<http://www.ou.uk>) таълимни олиш мумкин.

2) **Иккиласмчи модел.** Ушбу модел масофали ва кундузги таълим ўқувчилар билан ишлаш учун яратилади. Иккала гуруҳда бир хил ўқув дастури ва дарслар жадвали, имтиҳонлар ва уларни баҳолаш мезонлари мавжуд. Шундай ўқув муассасаларда кундузги курсларнинг сони масофалиларга қараганда кўп. Ушбу масофали курслар педагогикадаги янги йўналишларни изланишларида қўлланилади. Бу моделга мисол қилиб Янги Англия ва Австралия Университетидаги (<http://www.une.edu.au>) таълимни олиш мумкин.

3) **Аралашган модел.** Ушбу модел масофали ва кундузги таълим турларини интеграциялаштириш учун яратилади. Ўқувчилар ўқув курснинг бир қисмини кундузги, бошқа қисмини эса масофадан ўқийди. Шу билан бирга бу таълим турига виртуал семинар, презентациялар ва лекциялар ўtkазиш хам киради. Бу моделга мисол қилиб Янги Зеландиядаги Массей Университетидаги (<http://www.massey.ac.nz>) таълимни олиш мумкин.

4) **Консорциум.** Ушбу модел иккита университетларни бир бири билан бирлашини талаб қилади. Ушбу муассасалардан бири ўқув курсларни ташкил қилиб ишини таъминласа, иккинчиси эса уларни тасдиқлаб, курсларга ўқувчиларни таъминлайди. Шу билан бирга бу жараёнда бутун университет эмас балки битта кафедра, марказ ёки университет ўрнида таълим соҳасида ишлайдиган корхоналар хам қатнашиши мумкин. Ушбу моделда ўқув курсларни доимий равишда назорат қилиш ва муаллиф хуқуқларини текшириш зарур бўлади. Бу моделга мисол қилиб Канададаги Очиқ Ўқув Агентлигидаги (<http://www.ola.bc.ca>) таълимни олиш мумкин.

5) **Франчайзинг.** Ушбу модел иккита университетлар бир-бири билан ўзлари яратган ўқув курслар билан алмашибади. Масофали таълим соҳасида етакчи бўлган ўқув муассаса бу соҳада илк қадам қўядиган муассасага ўзининг ўқув курсларни тақдим қилади. Ушбу моделда иккита муассаса ўқувчилари бир хил таълим ва дипломлар олишади. Бу моделга мисол қилиб Очиқ Университет Бизнес мактаби ва Шарқий Европа Университетлари билан бўлган хамкорлиги бўлиши мумкин.

6) **Валидация.** Ушбу модел университет ва унинг филиаллари билан бўлган муносабатларига ўхшаш. Бу моделда битта университет ўқув курс, дипломларларни кафолатласа, қолган бир нечта университетлар ўқувчиларни таъминлайди.

7) **Узоклашган аудиториялар.** Ушбу моделда информацион ва коммуникацион имкониятлар кенг фойдаланилади. Битта ўқув муассасада бўлиб ўтган ўқув курслар видеоконференциялар, радиотрансляциялар ва телекоммуникацион каналлар оркали синхрон телекўрсатувлар қўринишида бошқа аудиторияларга узатилади. Аralашган модел билан фарқи шундаки, бу моделда ўқувчилар кундузги таълимда қатнашмайди. Бу моделга мисол қилиб АҚШнинг Висконсинг Университетидаги ва Хитойнинг марказий радио ва телевидение Университетидаги таълимни олиш мумкин.

8) **Проектлар.** Ушбу модел давлат ёки илмий изланиш мақсадидаги дастурларни бажариш учун яратилади. Асосий иш масофали таълим мутахассислари ва педагоглар тўпланган илмий-методик марказга тушади. Ушбу моделда яратилган курслар аҳолининг катта қисмига намойиш қилиниб ўз вазифасини бажаргандан кейин тўхтатилади. Бу моделга мисол қилиб Африка, Осиё ва Лотин Америкадаги ривожланмаган мамлакатларида ўтказилган қишлоқ хўжалиги, солиқлар ва экология ҳақидаги ўтказилган ҳар хил курслар бўлиши мумкин.

**Масофали таълимнинг ютуқлари ва камчиликлари.** Масофали таълимнинг ўзини методик, иқтисодий, социал ютуқлари ва афзалликларга ҳамда ўзининг камчиликлари ва салбий томонларга эга. **Методик ютуқлар ва афзалликларга қуидагиларни киритиш мумкин:**

- Дарс жадвални қулайлиги. Ўқувчи ўзига маъқул бўлган вақтда ўқув жараёнига қатнашиши мумкин.
- Қулай фойдаланиш манзиллари. Ўқувчи интернет кафе, уй, меҳмонхона, иш жойида ва бошқа жойлардан ўқув жараёнига қатнашиши мумкин.
- Қулай ўқиш темпи. Таълим, ўқувчилар янги билимларни тушуниш темпида ўтказилади.
- Қулай ўқув режа. Ўқув режани талабаларга индивидуал ва давлат таълим талабларига мос холатда ташкил қилиш мумкин.
- Маълумотлар базасини тўпланиши. Олдинги ўқиган талабалар билимларини тўплаш ва ундан фойдаланиш имконияти.

- Күргазмали қулайликлари. Мультимедия имкониятларидан тулиқ фойдаланиш имконияти.
- Малакали ўқитувчиларни танлаб таълим жараёнига жалб қилиш.

**Иқтисодий ютуқлар ва афзаликларга қуидагиларни киритиш мумкин:**

- Чексиз масофага таълим бериш. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги масофа хеч қандай аҳамиятга эга эмас.
- Иш жараёнига халақит бермаслиги. Ўқувчи ишдан ажralmas холатда таълим олади.
- Ўқувчилар сонини оширилиши. Масофали таълим технологияларни тўлиқ қўллаган ўқув муассаса талабалар сони 2-3 баровар ошиши мумкин.
- Нархи. Масофали таълим курслари 2 ва 3 баровар оддий курсларга қараганда арzon.

**Социал ютуқлар ва афзаликларга қуидагиларни киритиш мумкин:**

- Ижтимоий гурӯхларга ажратиш йўқлиги. Масофали таълим курсида иккинчи олий ёки қушимча маълумот оловчилар, малака ошириш ва қайта тайёргарлик ўташ истагида бўлганлар; иккинчи параллел маълумот олишни хоҳлаган талабалар; марказдан узоқда, кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси; жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар; армия хизматида бўлган шахслар; эркин кўчиб юриши чекланган шахслар ва бошқалар қатнашиши мумкин.
- Ёш чекланишлари йуқлиги. Ўқишига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилинади.

Аммо масофали таълимда **салбий томонлари** хам борлиги хақида айтиш лозим. Уларга қуидагиларни киритишмиз мумкин:

- Электрон ҳолатдаги таълим ва мулоқот жараёнларга ишончсизлик. Ушбу сабабдан талабалар асосан виртуал ҳолатдаги таълим турида эмас, балки оддий (кундузги ва сиртки) таълим турларида ўқиш истагида бўлишади.
- Давлат масофали таълим стандартлари йуқлиги ва натижада давлат нусхасидаги диплом берилмаслиги. Шу сабабдан кўпгина масофали таълим курслари битирувчилариға факат ушбу курсни битирганлиги ҳақида сертификат ёки гувоҳномалар беришади.
- Виртуал муҳит ва техника таъминот билан боғлиқлиги. Масофали таълим интернет борлиги, ундан фойдаланиш нархи, тезлиги ва

сервислар мавжудлигига, махсус коммуникацион техникалар мавжудлиги ва улар ишлашига тааллуқли.

### **Масофали таълимнинг технологиялари ва унда қатнашувчилари**

Масофали таълимнинг асосий технологияларига қуидагиларни киритиши мумкин:

#### **ИНТЕРАКТИВ технологиялар:**

- Интернет масофали таълим портали.
- Видео ва аудио конференциялар.
- Электрон почта орқали таълим.
- Интернет орқали мустақил таълим олиш.
- Узокдан бошқариш системалар.
- Он-лайн симулятор ва ўқув дастурлар.
- Тест топшириш системалари.

#### **ИНТЕРАКТИВ бўлмаган технологиялар:**

- Видео, аудио ва босмага чиқарилган материаллар.
- Телевизион ва радио кўрсатувлар.
- Дискларда жойлашган дастурлар.

Видео ва аудио конференциялар - бу Интернет ва бошқа телекоммуникацион алоқа каналлари ёрдамида иккита, узоклашган аудиторияларни телекоммуникацион холатда бир бири билан боғлаб таълим олиш йўли. Видео ва аудио конференциялар учун катта ҳажмда махсус техника, юқори тезликга эга бўлган аълоқа канали ва ўқитишни ташкил қилиш учун хизмат кўрсатувчи мутахассисларни жалб этиш керак бўлади.

Интернет орқали мустақил таълим олиш - бу Интернетда жойлашган кўпгина сайтларда жойлашган катта ҳажмдаги маълумотлар устидан мустақил равишда ишлаш ва янги билимлар олиш йўли.

Электрон почта орқали таълим эса энг оммавий Интернет хизматларидан фойдаланиб, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида хатлар орқали мулоқот ўрнатиб таълим олиш йўли. У ёрдамида ҳар хил тест, вазифа, савол-жавоб ва кўрсатмаларни (матн, графика, мультимедия, дастурлар ва бошқа кўринишида) жўнатиб қабул қилишимиз мумкин.

Узокдан бошқариш системалар - мураккаб дастур, система ва ускуналарни реал холатда бошқариш ва уларда ишлаш имкониятларини яратувчи махсус системалар ёрдамида билим олиш йўли. Узокдан бошқариш системаларнинг асосий вазифаси ўқувчига фақатгина амалий билимларни бериш.

Симулятор, электрон дарсликлар ва ўқув дастурлар - бу асосан назарий ва амалий билимларни компьютер дастурлари орқали ўқувчиларга офф-лайн ҳолатида олиш йўли. Симулятор ва электрон дарсликлар ҳозирги кунда таълим соҳасида жуда кенг қўлланиляпти.

Тест топшириш системалар - бу маҳсус дастурлар ёрдамида ўқувчиларнинг амалий ва назарий билимларни текширишнинг асосий вазифаси бу талабалар билимларини текшириб уларни баҳолаш.

Интернетнинг масофали таълим портали бу маҳсус Интернет сайтлар (онлайн ресурслар). Ушбу сайтларнинг асосий вазифаси - таълим жараёнини ташкил қилиш, ёки бошқа сўзлар билан ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида электрон он-лайн мулоқотни ўрнатиш, ўқитувчиларга ўқув материалларни жойлаштириш ва ўқувчиларга шу маълумотлар билан ишлашга ҳамда бошқа масофали таълим сервислардан фойдаланишга имконият яратиш.

IDC (<http://www.idc.com>) компаниянинг илмий изланиш натижалари буйича, глобал онлайн - таълим бозори 2000 йилда **2,2 миллиард АҚШ \$** га тенг бўлса, 2005 йилга келиб жаҳонда таълим соҳасига тегишли интернет-дастурлар **18.5 миллиард АҚШ \$** га тенг сотилиши кутилмоқда.

Nielsen-NetRatings компаниянинг изланишлари натижасида, 2000 йил март ойида Интернет фойдаланувчилар сони **379 млн.** га тенг бўлган бўлса улардан 211 млн. интернетнинг актив фойдаланувчилари. Ушбу компания маълумотларига кўра энг фаол фойдаланувчилар Жанубий Кореяда жойлашадилар - бир ойда **2164 веб саҳифани** кўриб чиқишиди (дунё буйича ўртача **774 веб саҳифа**). Ундан кейинги ўринларда Сингапур, Германия, Япония ва Канада мамлакатлари туришади. АҚШ эса 7 ўринда.

2005 йилга Интернет фойдаланувчилар сони **1 миллиардга** тенг бўлиши кутилмоқда. **135 миллион АҚШ** фуқаролари Интернет хизматларидан доимий фойдаланмоқда бўлиб, 2002 йилдаги ҳар бир ишлатилган долларнинг ярими Интернет орқали ишлатилган.

Масофали таълимни жараённида қуидагилар қатнашиши шарт, булар - масофали курс автори, методист, ўқитувчи (тыютор, координатор), рухшунос, администратор, документовод, телекоммуникация ва дастурий таъминот группаси ҳамда ўқувчилар.

- Муаллиф - масофали курсни яратувчи, уни янгилатувчи ва таҳрирловчи шахс.
- Услубчи - масофали курс муаллифига маслаҳатлар берувчи ва курсни таҳрирловчи шахс.

- Ўқитувчи - ўқувчилар билан ўқиши жараёнида мулоқотда бўлувчи ва уларга ёрдам берувчи хамда уларнинг билимларини текширувчи шахс.
- Психолог - ўқиши жараёнининг психологик мониторингни ташкил қилувчи шахс.
- Администратор - ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқишидан четлаш масалаларини ечувчи ва малакали ўқитувчиларни жалб қилувчи шахс.
- Документовед - ҳужжатлар билан ишловчи шахс.
- Телекоммуникация ва дастурий таъминот группаси - дастурлар ва телекоммуникация ресурслар ишини таъминловчи шахслар.
- Ўқувчилар - ўқув жараёнида қатнашувчи шахс.

**Ўзбекистонда масофали таълимни ривожланиши.** Ўзбекистон бошқа мустақил давлат хамдустлиги мамлакатларига ўхшаб ўзининг таълим соҳасини жаҳон стандартларига олиб келишда кўп ҳаракатлар қилмоқда. Мамлакатимизнинг майдони катталиги ва марказдан географик узоқлашган регионлар мавжудлиги электрон таълимни ривожланишига асосий сабаб бўлиб, унга катта аҳамият берилишига олиб келмоқда. Ҳозирги молиявий танқислик даврида, таълимнинг бу туридан кенг миқёсда фойдаланиш лозим. Мазкур таълим турини жорий қилиш билан боғлиқ айrim муаммоларнинг келиб чиқиши табиий. Булар асосан маблағлар, техника таъминоти ва шу соҳада малакали муҳандис хамда педагог кадрлар етишмовчилиги, лекин биз шу муаммоларни имконият даражасида хал қилишимиз зарур чунки, Ўзбекистон шароитида масофали таълимни ташкил қилиниш катта самара бериши аниқ.

Ҳозирги кунда таълим ва ишлаб чиқариш соҳасини компьютерлаштириш ва шу соҳаларда информацион технологияларни ривожлантириш ҳақида кўплаб президентимиз фармонлари ва Олий мажлис карорлари чиқарилган. Натижада охирги беш йил ичидаги Республикасидаги кўплаб ибратли ишлар қилинди. Масалан, **2002 йилда Тошкент ахборот технологиялар университети ташкил қилиниб**, шу йилдан бошлаб бу университет компьютер ва коммуникациялар, радиотелефон ва ахборот тармоқлари, дастурий таъминот ва электрон коммерция соҳасига зарур бўлган мутахассисларни тайёрланмоқда. Ушбу ва бошқа олий таълим муассасалари томонидан кўплаб таълим соҳасига тегишли янги дастурлар ва электрон китоблар яратилмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда **2000 йилдан ўз ишини олиб борган, АҚШ Давлат Департаментининг Таълим ва Маъданият масалалари**

**буйича бюроси (ЕСА) ва Халқаро Илмий Тадқиқотлар ва Олимларни Айрбошлаш Кенгаши (IREX)** томонидан ташкил қилинган "Интернетдан фойдаланиш ва ўқитиш программаси" (<http://www.iatp.uz>) ва "Ўзбекистон мактабларида Интернет" (<http://www.connect.uz>) программаларини хам айтиш лозим. Шу программаларнинг асосий вазифаси - бизнинг Республикаизда Интернет ва унинг ҳизматларини ривожлантириш ва аҳоли ичидаги кенг тадбиқ қилиш. Ушбу программалар натижаси деб ҳозирги кунда **Республикамизнинг 16-та шахрида** аҳолига беминнат ҳизмат кўрсатган "**Интернетдан бепул фойдаланиш**" **марказлари** хамда **Республикамизнинг 6-та вилоятининг 60 мактабларида** ташкил қилинган **Интернет марказларини** айтиш мумкин.

Шу билан бирга ўзбек тилидаги Интернетни ривожланиши ва ундағи таълим соҳасига тегишли маҳсус сайтларини пайдо бўлишини хам айтиш лозим деб ҳисоблаймиз. **2004 йилнинг биринчи кварталнинг ўзида** Интернет фойдаланувчилар сони таҳминан **511 000** га етди (2003 йил бошида **275 000 та**). Шу билан бирга 2003 йил бошига нисбатдан интернет провайдер ва операторлар сони 263 (усиши 94,8%), UZ зонадаги вебсайтлар сони эса 2600 дан ошди (усиши 188,4%), Интернетга боғланган давлат корхоналар сони 470 (усиши 63,6%), хўжалик субъетлар сони 8600 (усиши 68,9%), интернетдан оммавий фойдаланиш пунктлар сони 228 (усиши 115,1%) га тенг бўлди.

**IATP** программасининг интернет грантлари натижасида ташкил қилинган ва 2002 йилдан фаолият кўрсатиб келган "Масофали таълим портали" (<http://dl.freenet.uz>) ёки кўплаб Республикаиз Университет ва Институтлари томонидан ўзларининг веб сахифаларида ташкил қилинган "Масофали таълим курслари"ни хам алоҳида айтишимиз зарур (масалан <http://nuu.uz> Ўзбекистон Миллий Университети сайтида ташкил қилинган курслар). Таълим соҳасига тегишли кўплаб фойдали ва қизиқарли веб сайтлар яратилмоқда, (<http://www.bilim.uz>, <http://www.bilimdon.uz>, <http://wwwilm.uz>, <http://www.student.uz>, <http://www.study.uz> ва бошқалар). Энг кувонарли эса интернетда нафақат университет, институт, коллеж ва академик лицейлар балки мактаблар хам ўзларининг веб сахифаларига эга бўлишмоқдалар.

Бошқа мисол қилиб Республикаизнинг олий юртлари томонидан ташкил қилинган видеоконференцияларни хам айтиш мумкин. 2002 йилда Республикаизда биринчи марта Президент Девони, Ташки Иқтисод Алоқалар Вазирлиги, Жаҳон Иқтисод ва Дипломатия Университети, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ўртасида видеоконференция ўтказилди.

## **4-Мавзу: Информатикани ўқитишда Интернет хизматидан фойдаланиш**

Инсоният турмуш тарзининг ривожланиши янги-янги кашфиётларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Инсон янгилик яратиш жараёнида ҳар хил тусиқларга дуч келади ва шу тусиқларга енгиб ўтиш мобайнида яна янги ихтиrolар вужудга келаверади. Лекин, хаёт тажрибаларидан маълумки, кўпинча янги кашфиёт маълум бир муаммони хал қилиш жараёнида вужудга келади. Биз сўзсиз компьютернинг XX аср нинг буюк кашфиётларидан бири десак янглишмаймиз. Давр талабига кўра бугунга келиб компьютер технологияси жуда ривожланиб кетди. Маълумотларни бошқариш, айникса, ҳозирги кунда муҳим ахамият касб этмоқда. Маълумотларни бошқариш тизимларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Катта ҳажмдаги маълумотлар базаси ва ахборотлар устида ишлашга тўғри келяпти.

Жамият тараққиётида юз бераётган жадал ўзгаришлар унинг бир қисми бўлган информатика соҳасига хам ўз таъсирини қўрсатмокда. Бу таъсир шунчалик кучлики, ахборот технологияларида бўлаётган ўзгаришлар йиллар ичида эмас, балки ойлар ичида ўзгариб ва бойиб бормоқда. Ахборот технологияларида жуда катта ютуқ ва ўзгаришлар амалга ошди. Янги ахборот технологияларининг ёки компьютер технологияларининг пайдо бўлиши бу соҳадаги ҳизмат қилиш услубини тубдан ўзгартирди. Тасаввур қилиб кўринг, яқин-яқинларгача бирор масалани компьютерда ечиш учун алгоритмларни, дастурлаш тилларидан бирини, дастурни компьютер хотирасига киритишни, унинг хатолари-ю натижани таҳлил қилишни талаб қилар эди. Бу ишни фақат мутахассисларгина амалга оширадар эдилар. Аммо бу соҳада мутахассис бўлмаган фойдаланувчилар сонининг кундан-кунга қўпайиши жамият олдида маълум қийинчиликларни туғдирди. Windowsни ёки бу асосида қурилган информацион технологияни яна хам тушуниб олиш учун қуйидагига эътиборингизни қаратмоқчимисиз. Супермаркетда барча таъминот масаласини унинг директори хал қилса, сервисда хам худди шу хол руй беради.

Янги ахборот технологиясининг директори Windowsdir. Агар сизга матн муҳаррири керак бўлса, Windows сизни у билан таъминлайди, сиз ҳисоб-китоб қилмокчимисиз, марҳамат, Windows сизга электрон жадвални таклиф этади. Айникса, бу тизимда, Internet, электрон почта (E-mail) каби

имкониятларининг мавжудлиги, Windowsнинг роли бекиёслигидан далолат беради. Бу системанинг таркибида ҳизмат қилишнинг юзлаб турлари мавжудки, уларни ўрганиш ва фойдаланиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айникса, талабалар учун жуда муҳимдир. Компьютер фақатгина DOS буйруқларни тушунади. DOS билан компьютер орасидаги интерфейс матнли бўлиб, барча буйруқлар қўлда клавиатурада киритилади.

Ахборот технологияси - бу аниқ техник дастурлар воситасининг мажмуи бўлиб, улар ёрдамида биз маълумотларни қайта ишлаш билан боғлик бўлган хаётдаги турли-туман масалаларни қайта ишлаш билан боғлик бўлган хаётдаги турли-туман масалаларни хал этамиз. Ҳусусан, ахборотнинг энг асосий турларидан бири-иктисодий ахборотлардир. Унинг оддий маълумотдан фарқли томони шундаки, у одамларнинг катта жамоалари билан, ташкилотлар билан, корхоналар ва бошқа иқтисодий структуралардаги бошқариш жараёнлари билан боғлиқлигидадир. Информатика кенг маънода фан, техника ва ишлаб чиқариш, яъни инсон фаолиятининг барча соҳаларида ахборотни компьютер ва телекоммуникация ёрдамида қайта ишлаш, сақлаш, узатиш билан боғлик бўлган ягона соҳадир.

Интернет бу XX асрда кашф этилган телекоммуницион ва компьютер тармоқлар мажмуидир. Унинг тарихи 1960 йилларидаги Кариб мажорасидан сўнг, АҚШнинг илмий марказларидан бири бўлган **RAND CORPORATION** корхонаси биринчи марта бутун мамлакатни қамраб оладиган марказлашмаган компьютер тармоғини яратишни таклиф қилгандан бошланади. Бу лойиҳани амалга оширишдан мақсад ҳарбий муассасалар, илмий ва ўқув марказлари компьютерларни бир тармоққа бирлаштириб, бошқаришни марказлаштириш эди. Максад, ядро қуроли хужумига хам, тармоқнинг бир неча қисми ишдан чиққан ҳолда хам ишлаш фаолиятини саклаб қоладиган системани яратиш эди. Бундай системани тармоқлар сони кўп бўлгандағина амалга ошириш бўлар эди. Шундай килиб Internetга асос солинди.

1964- йили 4 тармоқдан иборат АҚШнинг энг нуфузли текшириш институтларида жойлашган **ARPANET** тармоғи яратилди. Бошида олимларнинг тадқиқот ишларида фойдаланилган тармоқ, кейинчалик уларнинг сафсата сотишнинг компьютерлашган занжирига айланади. Аммо шундай тармоқ яратишнинг ўзи катта муваффақият эди. 70-йилларда тармоқ анча ўсди. Энди тармоқнинг тузилиши унга хоҳлаган компьютерларни улаш имкониятини берди. Кейинчалик 1974-йилда тармоқларни бирлаштирувчи

**TCP/IP** протоколи тузилди ва тармоқнинг ривожланишига туртки бўлди. Чунки тармоқка ихтиёрий компьютерни улаш имконияти пайдо бўлди. 1983-йилда **ARPANET-INTERNET** деб атала бошланди ҳамда жуда кучли, бирбири билан боғланган компьютерлар ва тармоқлар тўпламидан иборат системасига айланди.

1980-йиллар **INTERNET**нинг кескин ўсиш даври бўлди. Компьютерларнинг марказлашмаган бошқариш тармоғи билан боғланиш схемаси бутун дунёга тарқалди ва чет эл тармоқлари ташкилотчилари АҚШ тармоғига уланишга рози бўлишди. **INTERNET** нинг бутун дунёни қамраб олиши қўйидаги тармоқларнинг қушилиши ҳисобига бўлди. **NSFNET** - АҚШнинг илмий-тадқикот институтларини, корпорация ва хукумат идораларини бирлаштирувчи тармоғ. (1980 йил) **EUNET** (Europe Union Network) - Европанинг UNIX операцион системасида ва UUCP ҳамда TCP/IP да ишлайдиган машиналари тармоғи. Маркази Амстердам шаҳрида. (1982 йил) **EARN** (European Academic Research Network)- Европанинг ўқув, илмий-текшириш ва тадқикот муассасаларининг тармоғи (1983 йил) **JUNET** - Япониянинг UNIX машиналари тармоғи (1984 йил) **JANET** - Буюк Британиянинг бирлашган академик тармоғи (1984 йил)

Шулардан **NSFNET**ни - *Internet Backbone* ёки "интернетнинг асоси" деб аташади. Ташкил этилган вақтда 1980 йилда у 56 Кбит-с тезлигида ахборот узата олиш қобилиятига эга эди. 1988 йилда эса унинг тезлиги 1,544 Мбит-с ошди. 1991-йили NSFNET тармоғи такоммилаштирилди ва узатиш тезлиги 44.736 Мбит-с га етди.

Интернетга уланган компьютерлар сони 1987 йилда 10 000 бўлса, 1989 йилда 100 000 тага етди, 1995 йилда эса 6,5 миллион деб ҳисобланган. Ҳозирги кунда эса дунёning 150 дан ортиқ мамлакатида 100 миллионлаб компьютерлар Интернетга уланган бўлиб, ҳар ойда тармоқ абонентлар мидори 7-10% ортиб бормоқда. Internet даги компьютерлар аксарияти АҚШ да жойлашган.

90- йиллар **INTERNET** да ҳизмат тармоқлари ташкил қилинган давр бўлди. 1990 йили Билл Хилан, Элан Эмтидж ва Питер Дейч **ARCHIE** программасини ишлаб чиқишиди. 1991 йили Брюстер Каале **WAIS** программасини тузди, Миннесота университетида Пол Линднер ва Марк Мак-Кайл томонидан **Gopher** программаси тузилди. 1992 йилда Невада штати университетида яратилган **Veronica** системаси ишга туширилди ва шу сабабли тармоқдаги компьютерлар сони миллиондан ошиб кетади.

Аммо Internet нинг 90-йиллардаги ривожланишига асосий сабаб **World Wide Web** (Бутун Дунё Тармоги) нинг тузилиши бўлди. Уни биринчи нусхасини 1990 йилининг ноябрида **CERN** (Европа атомни текшириш маркази) ходими Тим Бернс-Ли яратди, лекин 1992 йилгачи ишга туширилмади. 1993 йилда **NCSA** (National Center for Supercomputer Applications, Суперкомпьютерли Ҳисоблаш Миллий Маркази) томонидан **Mosaic** программаси ишлаб чиқарилди ва шу йил охирига 200 та WWW сервер ишга туширилиб WWW буйича ахборот оқими 1% ни ташкил қилган.

Internet бутун дунё компьютерлар тармоқларининг тўпламини белгилайди ва турли хил компьютер хизматларини кўрсатади. Бу - **E-mail** электрон почта, **Usenet** телеконференциялари, **FTP** маълумот файлларини узатиш системаси, **Telenet** узоқдан терминалга кириш системаси, **Gopher** системаси ва **Бутун Дунё Тармоги- WWW**. Демак, WWW Internetнинг факатгина бир қисмидир. Лекин у жуда тез ривожланмоқда.

**WWW** - Internetнинг оммабоп хизмат туридир. Унга уланиш учун компьютер билан модем етарлидир. Шунинг учун Бутун дунё тармоғи бутун олам ахборотлар омбори-кутубхонага айланиб қолади ва у дунёга ёйилади. WWW да маълумотлар сахифаларда жойлашади. WWW сахифаларнинг сони охириги 3 йилда юз миллиондан ошиб кетди. Бу сахифаларнинг эгаси ким? Улар йирик корпорациялар ёки кичик корхоналар, университет ва мактаблар, ташкилотлар, журнал ва газеталар ёки оддий шахслардир. Бу сахифаларда турли-туман маълумотлар жойланади. Ҳозирги қунда WWW ахборот олиш ва тарқалишнинг энг қулай усулидир. У унга кирувчи ва уланган барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмасиш имкониятини яратиб беради.

**Nielsen-NetRatings** компаниянинг изланишлари натижасида, 2000 йил март ойида Интернет фойдаланувчилар сони 379 млн. га teng бўлган бўлса улардан 211 млн. интернетнинг актив фойдаланувчилари. Ушбу компания маълумотларига кўра энг фаол фойдаланувчилар Жанубий Кореяда жойлашадилар - бир ойда 2164 веб сахифани қўриб чиқишиди (дуне буйича ўртacha 774 веб сахифа). Ундан кейинги ўринларда Сингапур, Германия, Япония ва Канада мамлакатлари туришади. АҚШ эса 7 ўринда.

2005 йилга Интернет фойдаланувчилар сони 1 миллиардга teng бўлиши кутилмоқда. 135 миллион АҚШ фуқаролари Интернет хизматларидан

доимий фойдаланмоқда бўлиб, 2002 йилдаги ҳар бир ишлатилган долларнинг ярими Интернет орқали ишлатилган.

Интернет маълумотлари ичида ҳаракатланиш учун бизга гиперматн аълоқалар ёрдам беради. Гипермантн бу матнни гиперкўрсатмалар ёрдамида тушунтиришдир. Яъни матндаги бирор сўз ёки атамани изоҳлашда бошқа матн ёки сахифадан фойдаланиш. Ҳар бир Internet сахифаси ўз тармоқ адресига эга ва АҚШнинг Вирджиния штатида шу адреслар тақрорланмаслиги учун махсус компания мавжуд. Бу URL (Universal Resource Locators) адреси. URL адреси гиперхужжатнинг номи ва жойланиш каталоги, сервери, домени ва сервер турини кўрсатади. URL адреси бир неча қисмдан иборат. Ҳар бир қисми нуқта билан ажратилади.

URL адреснинг умумий куриниши:

система:// компьютер (бўлим)\_номи. тармоқ(провайдер ёки сервер)\_номи.  
юкори\_домен/файлгача\_тулик\_йўл(папкалар ва файл)

Масалан: **http://informatika.freenet.uz/bonus/music.html**

**music.html** – файл номи

**bonus** - каталог

**freenet.uz** – сервер номи

**http:** - маълумотларни алмашиш коидалар системасини кўрсатади (http –бу WWW, ftp – бу FTP, gopher –бу GOPHER системалари).

FTP протокол ёрдамида биз Интернет тармоқ оркали бошқа серверлардан маълумотларни ўзимиз компьютеримизга кўчирамиз. FTP серверда фақат файллар, Web серверда эса фақат гипердокументлар сақланади. Гипердокументлар билан ишлаш учун бизга “Интернет проводник” дастурлар ёки броузер дастурлар тури ёрдам беради. Буларга Internet Explorer, Google Chrom, Opera, Mozilla, Netscape Navigator бошқа дастурлар киради.

**Энг сўнги қисми** - юкори домен деб номланади ва асосан мамлакатни кўрсатади. У икки ҳарфдан иборат бўлади, масалан:

**Uz** – Ўзбекистон

**Us** – АҚШ

**Ua** – Украина

**Uk** – Буюк Британия

**Ru** – Россия

**Au** – Австралия

**Kr** – Корея

**Jp** – Япония

**Cn** – Китай

**Br** – Бразилия

**De** – Германия

**It** - Италия

Лекин домен мамлакатни кўрсатмаслиги хам мумкин ва у учта ҳарфдан иборат бўлиб, қуидагича бўлиши мумкин:

**Com** – компания ёки фирма, **Net** – тармоқ системалари, **Org** – нодавлат корхона,

**Int** – жаҳонаро корхона, **Edu** – таълим муассаса,

### **Электрон почта. Outlook Express дастури билан танишиш.**


Электрон почта бу нима? Электрон почта маҳсус программа бўлиб, унинг ёрдамида дунёнинг ихтиёрий жойга хат, хужжат ва ихтиерий турдаги файлларни жунатишиз мумкин. Бунинг учун сиз Интернет еки почта тармоғининг аъзоси бўлиши шарт. Бу тармоқ провайдер деб номланади. Ҳар бир тармоқ фойдаланувчиси учун тармоқ компьютери (сервери) хотирасида маълум соҳа ажратилади ва фойдаланувчига электрон адрес(e-mail) берилади. Хотирадаги соҳа - почта яшиги дейилади. Барча адреслардан келган хатлар айнан шу яшикда сақланади. Электрон адреснинг тулиқ кўриниши қуидагича: e-mail аъзонинг адреси @ “эт” белгиси ва host компьютерлар номи. Бу ерда хост (host – эга) бу почта яшик жойлашган тармоқ компьютери номи. У бир неча қисмдан иборат бўлиши мумкин. Бу қисмлар доменлар деб номланади. Улар мамлакат, провайдер ва ташкилотларни кўрсатишлари мумкин.

Мисол учун [litsey@mail.uz](mailto:litsey@mail.uz). Бу ерда litsey бу адрес эгасининг почта яшиги номини, mail бу провайдер номини ва uz - юқори домен мамлакат номини кўрсатади.

Электрон хатни жўнатганингизда, унда кимга ва кимданлигини, хатни қисқа мавзуси ва бошқа маълумотларни кўрсатишимиш зарур. Электрон почта билан ишлаш учун биз бир неча программадан фойдаланишимиз мумкин: Outlook Express, The BAT, Microsoft Mail ва бошқалар. Биз яқинроқ биттаси яъни Outlook Express билан танишамиз.

Дастур билан ишлаш учун биз Windows нинг асосий менюсидаги Программы бўлимидаги Outlook Express программани танлаймиз. Бундан кейин экранда дастур ойнаси пайдо бўлади. Бу ойна ҳар бир стандарт ойнага

ўхшаш бўлиб ўзининг ном сатрига, меню сатрига, ёрдамчи тугмалар сатрига, иш соҳасига ва маълумотлар сатрига эга.



Дастур менюси ёрдамида биз дастурни кўринишини ва ишлаш ҳолатларини ўзгартиришимиз, электрон почта ящигимизни созлашимиз мумкин.

Дастурда тезкор ишлаш учун биз ёрдамчи тугмалардан фойдаланамиз.

Дастур ёрдамчи тугмаларнинг ҳар бири билан танишамиз:

1. Создать сообщение - Янги хатни яратиш
2. Ответить отправителю - Келган хатга жавоб бериш
3. Ответить всем - Хамма хатларга жавоб бериш
4. Переслать - Келган хат матнини бошқага жунатиш
5. Печать - Хатни босмага чиқариш
6. Удалить - Хатни ўчириш
7. Доставить - Янги хатларни жунатиб қабул қилиш
8. Адреса - Сиз яратган электрон адреслар тўпламини куриш
9. Найти - Хатни қидириш

Хатни яратиш учун биз Создать сообщение тугмани босишимиз керак. Натижада янги хат яратиш ойнаси пайдо бўлади. Бу ойнанинг юкори қисмида меню сатри, ёрдамчи тугмалар сатри ва хатга тегишли маълумотлар соҳаси жойлашган.

Янги хат яратиш ойнасининг ёрдамчи тугмалари

1. Отправить - Янги хатни жўнатиши
2. Копировать - Танланган соҳанинг нусхасини хотирага кўчириб олиш
3. Вставить - Хотирадаги маълумотларни курсор турган жойга қуиши
4. Отменить - Охирги ҳаракатни бекор қилиш
5. Проверить - Хатоларни текшириш
6. Правописание - Имло хатоларини текшириш
7. Вложить - Хатга қандайдир файлни қушиши
8. Важность - Мактубнининг аҳамиятини текшириш ёки ўзгартириш

9. Подписать - Хатга изоҳ қушиш
10. Зашифровать - Хатни шифрлаш
11. Автономно - Уланмаган ҳолда ишлаш

## **5-Мавзу: Информатикани ўқитишда педагогик технологиялар**

- **Информатикани ўқитиш усуллари**
- **Ўқитишининг қизиқтирувчи усуллари**
- **Интерфаол усуллар**

Информатика дидактикаси ва ўқитиш методикасида асосий ўринлардан яна бирини ўқитиш усуллари эгаллайди.

Ўқитиш усули (методи) (грекча *metodos* – бирор нарсага йўл сўзидан) – бу таълим ва тарбия воситаси сифатидаги ўқитиш мақсадларига эришишга йуналтирилган ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бiri билан боғланган фаолиятининг тартибланган усулларида.

Ўқитиш методларининг муаммосини қисқача «қандай ўқитиш керак?» деган савол ёрдамида ифода қилиш мумкин. Лекин шуни эътироф этиш лозимки, ушбу саволга жавоб олиш учун «Нима учун ўқитиш керак?» «Нималарни ўқитиш керак?» ва «Кимларни ўқитиш керак?» каби саволлар буйича етарлича ахборотга эга бўлиш керак. Ана шундагина ўқитиш мақсади ва мазмунига, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолияти даражасига тўлиқ жавоб берса оладиган ўқитиш методларини танлаш масаласи хал этилиши мумкин.

Ўқитишининг мақсади ва вазифалари ўқитиш методини ягона равища аниқламайди. Маълум бир мазмун бир неча метод билан ўрганилиши мумкин. Бунда албатта ҳар бир метод ёрдамида ўқитиш мақсадларига эришилади.

Ўқитиш методлари кўп қирралидир. Шу сабабли хам уларни қўплаб таснифлари мавжуддир. Бу таснифларда методлар бир ёки бир нечта белгилар буйича жамланади.

## 1. Аньанавий тасниф. Умумий белги сифатида билим манбаи олинади.

Амалий	Кўргазмали	Оғзаки	Китоб билан ишлаш	Видео метод
Тажриба Машқлар қилиш Мустақил иш Лаборатория иши.	Иллюстрация Кузатиш	Тушунтириш хикоя қилиш Суҳбат Маъруза	Ўқиш Тез кўриб чиқиш Цитата олиш Баён этиш Қайта сўзлаб бериш Конспект	Кўриб чиқиш Машқ ишлаш

Ҳозирги кунда академик Ю. К. Бабанский тавсия этган таснифлаш кенг тарқалгандир.

Унда ўқитиш методларининг учта катта гурухи алоҳида ажратилгандир:

- ўқув–билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари;
- ўқув–билиш фаолиятини назорат ва ўз–ўзини назорат қилиш методлари;
- ўқув–билиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивация методлари;

Ўқув–тарбия жараёнида ўқитиш методлари қуйидаги функцияларни бажариши маълум:

- ўргатувчи (метод ёрдамида ўқитиш мақсадига эришилади)
- ривожлантирувчи (метод ёрдамида ўқувчилар ривожланишининг у ёки бу суръати (темпи) ва даражаларига эришилади).
- тарбиявий (метод ёрдамида тарбия натижалари олдиндан белгиланади)
- истак туғдирувчи ёки мотивация (ўқитувчи учун метод ўқувчидаги ўқиш учун истак туғдирувчи ва билиш фаолиятини рағбатлантирувчи восита бўлиб қиласди)
- назорат–коррекцион (метод ёрдамида ўқитувчи ўқув жараёнининг боришини ва натижаларини ташхис қиласди).



## Ўқитишнинг қизиқтирувчи усуллари

Маълумки, информатика ўқув предметининг асосий вазифаси ўқувчиларни замонавий информатиканинг баъзи бир умумий ғоялари билан танишириш, информатиканинг амалиётдаги тадбигини ва компьютерларнинг замонавий ҳаётдаги ролини очиб беришдан иборат. Лекин, дидактик тамойилларни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларга нафакат фактларнинг қатъий илмий баёнини бериш, балки ўқитишнинг турли қизиқарли методларини хам қўллаш лозим.

Масалан, кўпчиликка маълум ва оммабоп бўлган кроссворд ўйини болаларда қизиқиши уйғотиши табиийдир. Кроссворд кўринишидаги сўров шакли ўқувчилар учун ҳар доим қизиқарли ва ўзига тортадиган методдир. Ушбу ўйинга ўқувчилар шу даражада киришиб кетадиларки, хатто, ўзлари хам информатиканинг турли мавзулари буйича кроссвордлар тузишлари мумкин. Мустақил ижодий фаолиятнинг бундай шакли фойдали бўлиши билан бирга, фақатгина кучли ўқувчиларнигина эмас, балки кучсизларни хам қамраб олади.

Бошқа ўқув предметларидан кучсиз ўзлаштирувчи ўқувчилар кўпинча информатикадан яхши ва тиришқоқ ўқувчиларга айланадилар. Кроссвордлар, ребуслар ва бошқотирмалар содда бўлишлари билан бирга, машҳур олимлар, алломалар исмларига, маҳсус атамаларга диққатини жалб этишнинг самарали воситаси ҳамдир.

Ўйинли вазият, кроссворд ва ребусни ечишдаги қийинчиликларни енгиб ўтишдаги элементлари ўқувчиларни шундай ўзига тортадики, беихтиёр уларни информатика соҳасидаги билимларини тулдиришга рағбатлантиради.

*Вазифа: Информатика фанидан кроссвордлар ва ребуслар тузинг*

## Ўқитишнинг интерфаол усуллари

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўсиб келаётган авлодни мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилган. Ушбу масалани хал этилиши кўп жиҳатдан ўқитишнинг интерфаол методларини қўллашга хам боғлиқ.

Аввало "интерфаол (интерактив)" тушунчани аниқлаштириб олайлик. "Интерактив" деган сўз инглизча "interact" сўзидан келиб чиқкан. "Inter" –

ўзаро, "act" – иш кўрмоқ, ишламоқ деган маъноларни англатади. Демак интерактив деганда ўзаро иш куриш, фаолият кўрсатиш ёки сухбат билан ёки тартибда ким биландир (инсон билан) диалог (мулоқот) холатида бўлиш тушунилади. Шундай қилиб, интерфаол ўқитиши – бу, авваламбор мулоқотли ўқитиши бўлиб, жараённинг боришида ўқитувчи ва ўқувчи орасида ўзаро таъсир амалга оширилади.

Интерфаол ўқитишининг моҳияти ўқув жараёнини шундай ташкил этадики унда барча ўқувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўлиб, эркин фикрлаш, тахлил қилиш ва мантиқий фикр юритиши имкониятларига эга бўладилар.

Билиш жараёнида ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти деганда, уларни ҳар бирининг ўзига хос алоҳида индивидуал хисса қўшиши, ўзаро билимлар, ғоялар ва фаолият усуллари билан алмашинишлари тушинилади. Шу билан бирга, буларнинг хаммаси ўзаро ҳайри хохлик ва қўллаб – қувватлаш муҳитида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида янги билимларни олишгагина имконият бермасдан, балки билиш фаолиятининг ўзини хам ривожлантиради, уни янада юқорироқ поғоналарига олиб чиқади.

Дарслардаги интерактив фаолият ўзаро тушунишга, хамкорликда фаолият юритишига, умумий, лекин ҳар бир иштирокчи учун аҳамиятли масалаларни биргаликда ечишга олиб келадиган диалогли алоқани ташкил этиши ва ривожлантириши кўзда тутади. Интерактив метод битта сўзга чиқувчининг, шунингдек битта фикрнинг бошқа фикрлар устидан доминантлик қилишлигини чиқариб ташлайди.

Диалогли ўқитиши жараёнида ўқувчилар танқидий фикрлашга, шартшароитларни ва тегишли ахборотни тахлил қилиш асосида мураккаб муаммоларни ечишга, альтернатив фикрларни чамалаб кўришга, улаб ва асосли равишда қарорлар қабул қилишга, дискуссияларда иштирок этишга, бошқалар билан мулоқот қилишга ўрганадилар. Бунинг учун дарсларда индивидуал, жуфтли ва гурӯҳли ишлар ташкил этилади, изланувчи лойиҳалар, ролли ўйинлар қўлланилади, хужжатлар ва ахборотнинг турли манбалари билан иш олиб борилади, ижодий ишлар қўлланилади.

Интерактив ўқитиши ташкилотчилари учун, соф ўқув мақсадларидан ташқари қўйидаги жиҳатлар хам муҳимdir:

–гурӯҳдаги ўқувчиларнинг ўзаро мулоқотлари жараёнида, бошқаларнинг қадрияларини тушиниб этиш;

–бошқалар билан ўзаро муроқотда бўлиш ва уларнинг ёрдамига мухтожлик заруратининг шаклланиши;

–ўқувчиларда мусобақа, рақобатчилик кайфиятларини ривожлантириш.

Шунинг учун интерактив ўқитиш гурухларида мувоффакиятли фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган иккита асосий функциялар амалга оширилиши лозим:

–ўқитишнинг прагматик жиҳати қўйилган ўқув масаласини ечишликнинг шартлиги;

–тарбиявий масалаларни ечиш (хамкорликдаги иш жараёнида гурух аъзоларига ёрдам кўрсатиш, хулқ - автор нормаларини шакллантириш).

Ушбу фактни алоҳида қайт этиш лозимки, ўқитишнинг барча интерактив усулларини вербал (оғзаки) ва новербал усулларга ажратиш мумкин.

Оғзакиларга қуйидагилар киради:

–визуал:

➤ юз ифодаси, гавданинг холати, харакатлар, қўзлар орқали алоқа.

–акустик:

➤ интонация, овоз баландлиги, тембр, нутқ темпи, товуш баландлиги, нутқий паузалар ва ҳоказо.

Вербал усуллар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– "охири очик" бўлган саволлар, яъни ягона "тўғри" жавобга эмас, балки муаммо (савол) буйича турли нуқтаи назарларни баён қила олишга йуналтирилган саволларни бера олиш қобилияти;

–ўқувчилар билан муроқотда ўқитувчи томонидан ўзининг нуқтаи назарини хал қилувчи нуқтаи назар деб эмас, балки нейтрал деб аниқланиши. Бу нарса машғулот пайтида ўқувчиларга қўрқмасдан "тўғри" ва "нотўғри" нуқтаи назарларини баён этиш имкониятини беради;

–машғулотнинг таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил қилишга тайёргарлик.

Ушбу холат машғулотларда нима? қандай? ва нима учун? содир бўлганини, ўзаро фаолият қаерда "осилиб" қолганини, у нима билан боғлиқ эканлигини, кейинчалик бундай холатларни рўй бермаслик учун нималар қилиш кераклиги ва бошқаларни тушиниб олишга ёрдам беради;

- машғулотнинг боришини, унинг кульминациясини, натижавийлигини ва бошқа кузатиш имконини берувчи ёзма хотираларни ёзиб бориш.

Биринчи бўлимга алоҳида эътиборни қаратишни истар эдик. Ўқитувчининг саволи – бу, ўқувчининг тафаккурини бостириш ёки

ривожлантириш учун кучли воситадир. Саволнинг икки хил тури мавжуд (интерактив ўқитиш нуқтаи назаридан).

—ўқувчининг фикр доирасини чегаралаб, уни билганларни оддий қайта тиклашга келтириб қўядиган саволлар. Бундай саволлар фикрлаш жараёнини тўхтатиб туришга хизмат қилиб, ўқувчига унинг фикри хеч кимни қизиқтирмаслиги тушуниб етишига олиб келади;

—фикр юритиш, уйлаш, тасаввур қилиш, яратиш ёки синчиклаб тахлил этишга ундовчи саволлар. Бундай саволлар фикрлаш даражасини кутариш билан бирга, ўқувчиларда уларнинг хам фикри қимматга эга эканлигига ишонч уйғотади.

Кўйида саволни тўғри ифода қилиш бир қанча тавсияларни келтирилади.

1. Саволларни аниқ ва қисқа қўйиш лозим.
2. Битта савол орқали фақат бир нарсани сураш.
3. Савол мавзу билан бевосита боғлиқ бўлиши керак.
4. Саволдаги барча сўзлар ўқувчига тушунарли бўлиши керак.
5. Ҳар бир саволга бир нечта жавоб бўлишига ҳаракат қилинг.
6. Конкрет предметлардан умумийга боришга ҳаракат қилинг. Бу ҳолат ўқувчиларни ўйлаши ва саволга жавоб беришида енгиллик тугдиради.
7. Фақатгина "ха" ёки "йўқ", "тўғри" ёки "нотўғри" деган жавоблар бериладиган саволларни беришдан сақланинг.
8. Ўқувчиларга ўз тажрибаларига таянган ҳолда жавоб берадиган саволларни беринг.
9. Ўзининг нуқтаи назарини билдирадиган саволларни беринг.
10. Кўйилган саволга жавоб берилганда, ўқувчилардан "Нима учун шундай деб уйлайсиз?" деб сураб туринг.

Интерфаол усууллар буйича ўқитиш ташкил этилганда эътибор берилиши керак бўлган яна бир ҳолат, бу вазифанинг мазмунини масаласидир. Вазифанинг мазмунини ўқитишнинг анъанавий шаклларига қараганда бошқачароқ ҳарактерга эга бўлиши лозим. Масалан, гурухга дарсликдаги маълум бир параграфни конспектини олиш вазифа сифатида бериш мақсадига мувофиқ эмас, чунки ҳар бир ўқувчи бу ишни ўзи, мустақил бажариши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, муаммони ностандарт қўйилишигина, ўқувчиларни бир-биридан ёрдам олишга, бошқаларнинг хам фикрини билишга, натижада эса, гурухнинг умумий фикрини шакллантиришга ундейди.

Масалан, дастурлашга оид масала ечилганда, уни кичик масалаларга бўлиш мумкин. Ўқувчиларни хам кичик гуруҳларга бўлиш ва ҳар бирига кичик масалани ечишни ва дастурини тузишни тавсия этиш мумкин.

Дарс охирида гуруҳларнинг ечимлари асосида асосий масала ечишни ташкил қилиш лозим. Бунинг натижасида битта дарс давомида мураккаб масалани ечиш ва унга кўпроқ ўқувчиларни жалб қилиш мумкин бўлади. Ушбу усулнинг ҳозирги даврда таълимда қўлланиш кўлами ортиб бораётган "Лойиҳалар усули"нинг қўринишларидан бири деб ҳисобласа бўлади.

### **"Инсерт" технологияси**

Ушбу технология янги матн билан ишлашга мўлжалланган бўлиб, қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Матнни қўлда қалам билан ўқиб чиқиши.
2. Ўқиши давомида матнда маҳсус белгилар қўйиб бориш:
  - + буни биламан; – буни билмас эдим; ? буни мукаммал билмоқчи эдим;
3. Матн билан тула танишиб чиқилгандан сўнг қўйидаги жадвал тўлдирилади:

Буни билар эдим	Буни билмас эдим	Мукаммал билишни хохлайман
+	–	?

### **Катта айлана**

Биринчи босқич. Гурух ўриндиqlарга катта доира буйича ўтириб олишади. Ўқитувчи муаммони ифода этади.

Иккинчи босқич. Белгилangan вақт мобайнида (масалан 10 минут) ҳар бир ўқувчи индивидуал равишда қўйилган муаммони ечиш йўлларини ёзиб олади.

Учинчи босқич. Айлана буйича ҳар бир ўқувчи ўзининг таклифларини баён қиласи. Гуруҳнинг қолган аъзолари унинг фикрини изоҳламай, танқид қилмай, жим эшитишади ва ҳар бир банд буйича таклифни умумий қарорга киритиш ёки киритмаслик хақида овоз беришди. Умумий қарорга киритилган таклифлар доскага ёзиб борилади.

## **"Ақлий ҳужум"**

"Ақлий ҳужум" жамоа бўлиб муҳокама қилишнинг самарали методидир. Унда бирор муаммонинг ечимини топиш барча иштирокчиларнинг фикрини эркин ифодалаш орқали амалга оширилади.

"Ақлий ҳужум"нинг тамойили жуда содда. Ўқитувчи синф олдига масалани қўяди ва ўқувчиларда ушбу масалани ечиш бўйича ўзларининг фикрларини баён қилишни сурайди. Ушбу босқичда хеч кимнинг бошқа иштирокчиларнинг ғоялари хақида ўз фикрини билдиришга ёки унга баҳо беришга хаққи йўқ.

"Ақлий ҳужум" ёрдамида бир неча дақиқа ичидаги ўнлаб ғояларни олиш мумкин. Ғоялар сони асосий мақсад эмас. Ғоялар тўғри ечимини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

"Ақлий ҳужум" нинг қоидалари қўйидагилардир:

- таклиф этилаётган ғоялар баҳоланмайди ва танқид қилинмайди;
- иш ғоялар сони кўп бўлиши керак;
- ҳар қандай ғояни кенгайтиришга, ривожлантиришга ҳаракат қилиш мумкин;
- ҳар бир ғоя ёзиб борилади (жуда бўлмаса очқич сўзлар ёки иборалар ёрдамида );
- ақлий ҳужум ўтказиш вақти қатъий ўрнатилади ва унга риоя қилинади.

"Ақлий ҳужум" тугагандан сўнг таклифлар таҳлил қилинади ва улардан энг қимматлилари, кейинчалик улар билан ишлаш учун, танлаб олинади. Таҳлил қилинганда аввало таклифнинг фойдали жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим.

## **"Чигал мантиқий занжирлар"**

Ўқитувчи беш-олтита алоҳида ходисаларни ёзиб қўяди. Бу ходисалар хронологик ёки сабаб–оқибат занжирларидан бўлиши мумкин. Ҳар бир ходиса алоҳида вараққа ёзилади ва улар аралаштириб юборилади. Гуруҳга ушбу варакларни мантиқан тўғри тартибини тиклаш вазифаси берилади. Бунинг учун кетма–кет ўқувчилар чақирилади ва ҳар бирига биттадан ходисани занжирдаги ўз ўрнига қўйиш вазифаси берилади. Ходисаларни занжирга териб бўлишгандан сунг, бўлиб ўтган ходиса хақидаги матнни ўқийди, ўқувчилар эса ўзларининг таклифлари тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириб борадилар.

## **"Чоп этилган материаллар билан ишлаш"**

Ушбу методика керакли ахборотни излаш, назарий маълумотларни мустаҳкамлаш ва таснифлаш, янги назарий материаларни тушуниб олишда қўлланилиши мумкин.

Синф 4 – 6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлар бир хил ёки ҳар хил газета, журналлардан каби чоп этилган зарур материалларни оладилар.

Вазифа аниқ бир мавзу буйича ахборот топиш ҳусусида бўлиши мумкин.





Ҳар бир гуруҳ қўлидаги чоп этилган материаллардан вазифага оид материалларни олиб (мақолаларни, расмларни қирқиб олиб) плакатларга елимлаб, тегишли изоҳли матн тайёрлашади. Шундан сўнг қилган ишини намойиш этиб, тушунтириб беришади. Бошқа гуруҳлар эса саволлар берадилар ва ишни баҳолайдилар.

Ушбу метод қўлланганда, изоҳли матнларни тайёрлаш иши тугаллангандан сўнг, барча қолган материаллар йиғиширилиб олиниши керак. Акс ҳолда ўқувчилар газета ёки журналлардаги қизиқарли мақолаларни ўқишига киришиб кетадилар ва бошқаларнинг маъruzаларини тингламайдилар.

## **"Междуусобчик"**

Ўқитувчи томонидан муаммо қўйилади. Синф гуруҳга бўлинади.

1.Гуруҳ ичida муаммо ҳал этилади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси муҳокаманинг охирида ушбу гуруҳ қабул килинган муаммони ечиш йўли хақидаги маълумотга эга бўлиши лозим.



2.Дастлабки гуруҳлар тарқатилади ва янги гуруҳлар ташкил этилади. Бу гуруҳлар "ҳарфлар бирлиги" тамойили буйича ташкил этилади: АААА, ББББ, ВВВВ, ГГГГ. Янги гуруҳнинг ҳар бир аъзоси оддинги гуруҳи қабул килинган масалани ечиш йўлини бошқаларга тушунтиради (10 минут). Умумий ёки энг яхши ечим танланади.

АААА

ББББ

ВВВВ

ГГГГ

3. Биринчи ташкил этилган гурухлар яна тикланади. Қатнашчилар энди муаммога бошқа назар билан қараган ҳолда ва ечимлар кўплигини билган ҳолда йиғиладилар ва мулоқотда бўладилар (10 минут).

### "Мозайка"

1. Индивидуал ишлаш.

Ўқитувчи ҳажми етарлича катта бўлган вазифани тавсия этади. Масалан: дарсликнинг 3-4 параграфини ўрганиш ва режасини тузиш; долзарб муаммо буйича бахсга саволлар уйлаб топиш ва ҳоказо. 15-20 минут вақт берилади. Муддат тугагунча ҳар бир гуруҳ аъзоси масаланинг ечими буйича ўзининг вариантига эга бўлиши керак.

A



B

C

D


2. Жуфтликларда ишлаш.

Ҳар бир иштирокчи ўзига шерик танлайди. Лекин ушбу босқичнинг мақсади жуфтликлар орасида умумий ечимни топишдан иборат. Топилган ечим ҳар икки иштирокчининг фикрини ифода этган бўлиши керак. Мухокама учун – 10 минут.



3. Жуфтликларда ишлаш (давоми).


Жуфтликлар алмашибади. Масала олдингича қолади. Янги шериклар ўзларининг ечимларини бир–бирига тушунтирадилар ва яна масаланинг ечимини янгилаш имконини излайдилар. Мухокама учун – 10 минут. Шундай қилиб, гурухнинг ҳар бир иштирокчиси бошқаларнинг фикрини билиб олиш, муаммони ўзи қандай тушунтиришни бошқаларга таклиф этиш ва топилган ечимни химоя қилишга ўрганиш имкониятига эга бўлади.



4. Гурухий ечимни қабул қилиш.

Гурух биргаликда тўпланади. Гурух аъзоларининг хаммаси муаммони ечиш йўллари хақида маълумот беради. Бунда катта эътибор мазмуний қисмгагина эмас, балки ижро этиш шаклига хам қаратилади (гурухлар

ечимни конспект, расм, схема ва бошқа кўринишларда тавсия этиши мумкин). 10 минут вақт берилади.



5. Ҳар бир гуруҳ ишини баҳолаш. Машғулот охирида ҳар бир гуруҳ муаммонинг топилган ечимини тавсия этади. Эксперт комиссияси тавсия этилган лойиҳаларнинг мазмуни ва расмийлаштирилишини баҳолайди.

### "6\*6\*6 методи"

Бу шундай методки, унга кура 36 иштирокчи зарур вақт мобайнида бирор масалани мухокама қилиб, кўпчилик гуруҳ аъзоларининг масалага бўлган муносабатларини билиб олиш мумкин. Ҳар бири 6 кишидан иборат 6 та гуруҳда маълум бир вақт мобайнида ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо мухокама қилинади. Шундан сунг ўқитувчи янги гуруҳларни тузади, унинг аъзолари орасида олдинги бахс гуруҳида қатнашган бўлсин. Янги гуруҳларда иштирокчилар ўз гуруҳларида қилган ишларининг натижаларини мухокама этадилар.

Ушбу метод гуруҳ аъзоларининг хаммасини фаоллаштиради. Уларнинг ҳар бири қисқа фурсат давомида бахс иштирокчиси бўлиши билан бирга, маърузачи вазифасини бажаради.

Ушбу метод билан машғулотни қандай олиб бориш керак?

1. Машғулот олдидан ўқитувчи 6 та стол атрофига 6 та уриндиқ қуйиб чиқади.

2. Синф ҳар бири 6 та ўқувчидан иборат 6 та гуруҳга бўлинади.

3. Ўқувчилар ўз уринларини эгаллаб бўлганларидан сўнг ўқитувчи бахс мавзусини аниқлайди (гуруҳлар учун вазифалар бир хил ёки битта масаланинг турли жихатларига тегишли бўлиши мумкин).

4. Ўқитувчи гуруҳларда иш боришини назорат қилиб туради. Барча гуруҳ аъзоларини масаланинг шартини тўғри тушунганлигига ишонч хосил қиласди, саволларга жавоб беради ва агар иштирокчилар ёрдамга мухтоҷ бўлиб қолсалар, уларга қушимча кўрсатмалар беради.

5. Белгиланган вақт тугаганидан сунг ўқитувчи шундай янги гурухлар тузадики, ҳар бир гурухда олдинги баҳс гурухларидан албатта биттадан вакил иштирок этсин.

6. Якун ясалади.

### **"Ролли ўйинлар"**

Ролли ўйинлар методининг мохияти шундан иборатки, унда ўқувчилар бошқа кишининг ролига кириб оладилар ва унинг ичидаги харакат қиласидилар. Ўйинда ўқувчиларга асосан тугалланмаган вазиятлар берилади. Улар қарор қабул қилишлари, конфликтли холатларни бартараф этишлари ёки таклиф этилган вазиятларни нийоясига етказишлари керак бўлади.

Ролли ўйинлар ўқувчиларда бошқаларни тушиниш, уларга хайри-хохлик қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Бошқалар ролини уйнаш орқали, унинг нуқтаи назарини тушиниш осон, хатто унинг нималар хақида уйлаётгани ва сезаётганини хам. Ролли ўйинлар ўқувчиларга турли вазиятларда ўзини тута билишнинг моделларини бериши мумкин.

Дарсларда ролли ўйинларини қўллаш қуидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Ўйинни вазиятларини танлаш. Ролли ўйинларга материал бўлиб хизмат қиласидиган кўплаб вазиятлар мавжуд. Улар индивидуал қийинчиликларни (интернет хизмати провайдери билан мулоқот қилиш) ва конфликтни хал қилиш вазиятларини (дастурий махсулот буюрмачиси билан баҳс) ўз ичига олади. Ўйинлар махсус саволлар ёки муаммоларни хал этишда қўлланилиши мумкин. Масалан, ёш болаларга интернет тармоғининг барча маълумотларига киришга рухсат бериш керакми ёки йўқми? деган саволга жавоб топишда ўйин методидан фойдаланиш мумкин.

2. Тайёрлаш. Ўқувчилар вазият ёки муаммо билан танишадилар ва улар ўртасида роллар тақсимланади.

3. Иштирокчиларни танлаш. Ўқитувчи ролга ўқувчиларни ўзи танлаши, гурухда ўзлари тақсимлашларига имкон бериши ёки хохловчиларни тақлиф этиши мумкин. Ўқувчилар ўзларининг синфи олдида чиқиши қилишлари ёки бир вақтнинг ўзида кичик гурухларда ишлашлари мумкин. Ролли ўйинларида иштирок этмаётган ўқувчилар кузатув бўлишлари ёки бошқа ролни ўйнашлари мумкин.

4. Ўйинни ўтказиш. Ўқувчилар ўйин доирасида ўзларини тутиш усулини ўзлари танлайдилар. Бунда албатта берилган вазиятга тушганда инсон ўзини

қандай тутиши мумкинлиги асос қилиб олинади. Ўйиннинг боришига ўқитувчи аралашмаслиги лозим. Агар ўйин бор жойига келганда қолсагина, унга турткি бериш мақсадида аралashiши мумкин. Шунда хам аралашув қисқа, аниқ ва равшан бўлиши керак. Айрим холларда ўйин тугагандан кейин ролларни алмашиб, яна бир бор такроран ўйин ўтказиш фойдадан холи бўлмайди.

5. Мухокама. Ўйин мухокама қилиниши ва баҳоланиши керак.

Мухокама учун қуидаги саволларни бериш мумкин:

- Сиз нималарга ўргандингиз?
- Ўйин буйича ва ҳар бир рол буйича нималарни хис этаяпсиз?
- Ўйин реалистик бўлдими?
- Куйилган масала хал этилдими? Агар хал этилган бўлса, қандай хал этилди? Агар хал этилмаган бўлса, нима учун?

#### "Беш минутлик эссе"

Ёзма вазифанинг ушбу тури дарс охирида қўлланилади. Унинг мақсади ўқувчиларга ўрганилаётган мавзу буйича билимларига хулоса ясаш бўлса, ўқитувчи учун ўқувчилари онгида нималар руй берадиганлигини билишдан иборат. Ўқувчилардан қуидаги икки вазифани бажариш суралади:

➤ мазкур мавзу буйича нималарни билиб олганликларини ва ўзлари жавоб ололмаган бирор савонни ёзиб бериш.

Ўқитувчи ёзма ишларни дархол йифиб олади, кейинчалик эса, уларни тахлил этиб, унинг натижаларидан кейинги дарсни режалаштиришда фойдаланиши мумкин.

**Вазифа:** Информатика фанидаги мавзулар буйича берилган интерфаол услулари билан ташкил этиши учун методик тавсияномасини ёзиб беринг.

### 6- Мавзу: «Ахборот тизимлари ва уларнинг турлари» мавзуси буйича маъруза машғулотнинг методик ишланмаси

#### **Мавзу: Ахборот тизимлари ва уларнинг турлари**

**Мақсад.** Ахборот тизимларидан фойдаланиш билан боғлик бўлган асосий ғояларни баён қилиш, тизимларнинг мавжуд турларининг ҳар хиллилиги ва таъминоти билан таништириш.

**Тарқатма материаллар.** Мавзу буйича жадваллар ёки тақдимот слайдлар, «Информатика ва ахборот технологиялари» электрон мултимедияли дарслик.

**Вақт.** 2 академик соат.

**Шакли.** Маъруза.

**Метод.** Кластер, венна диаграммаси, ФСМУ

**Машгулотнинг бориши.**

1. Ташкилий қисм.
2. Ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади.
3. Мазкур мавзунинг назарий материали ўқувчилар учун янги бўлганлиги сабабли, ўқитувчи ўзи назарий материални етарли даражада схемалардан, уларнинг жадвали ёки тақдимот слайдларидан фойдаланган ҳолда тушунтиради.
4. Ахборот тизимлари таъминотини тушунтиришни ўқитувчи ўқувчиларнинг аппарат ва дастурий таъминоти хақидаги ўрта умумтаълим мактабда олган дастлабки билимларига суянган ҳолда олиб боради. Ўқувчиларга савол билан мурожаат этиб, уларнинг жавобларини тўлдириши ва кенгайтириши мумкин.

Ахборот тизимлари таъминотининг асосий турлари қуидагилар хисобланади:

- *аппарат таъминоти;*
- *дастурий таъминот;*
- *ахборот таъминоти;*
- *ташкилий таъминот;*
- *хусусий таъминот.*

**Аппарат таъминотига** аввало шахсий компьютер (қушимча қурилмалари: сичқонча, сканер, CD-ROM, овоз билан ишлаш қурилмалари ва бошқалар) киради.

Шахсий компьютерлар тармоқларда ишлиши мумкин. Бунинг учун маҳсус тармоқ ва коммуникацион қурилма, тармоқ платалари, модемлар, адаптерлар, кабеллар, узлуксиз ток манбалари ва бошқалар керак бўлади. Бу қушимча қурилмалар хам ахборот технологиясининг аппарат таъминотига киради.

**Дастурий таъминотга** шахсий компьютер учун кенг тарқалган қуидаги дастурий маҳсулотлар киради: матнли процессор, стол устида нашр тизимлари, электрон календар, график муҳаррир, электрон жадваллар,

маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари, функционал вазифадаги ахборот технологиялари (молия, бухгалтерия, маркетинг учун ва х.к.), эксперт тизимлари ва бошқалар.

**Ахборот таъминоти** — ахборотни кодлаш ва туркумлаш тизимларининг биргалиқдаги мажмуаси.

**Ташкилий таъминот** — муайян соҳада ахборот тизимларидан фойдаланиш ва уларни ташкил қилиш усуллари хамда воситалари мажмуасидир. Юқоридаги таъминот турларидан учтаси бўлиб, ташкилий таъминот бўлмаса, биз ахборот таъминотини амалга ошган факт деб ҳисоблай олмаймиз.


**Хуқуқий таъминот** — ахборот таъминотидан фойдаланишнинг юридик мақомини аниқловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Хуқуқий таъминотнинг энг асосий мақсади ахборот ишлаб чиқариш соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашдир.

Мамлакатимизда 1992-йил Ахборотлаштириш маркази ташкил қилинди. Унинг мақсади жамиятни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш буйича хужжатлар йиғишдан иборат.

2004-йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини ахборотлаш концепцияси»да қўйидаги стратегик масалалар қўйилган:

- миллий компьютер тармоғини ташкил қилиш;
- ахборотнинг маҳсулот сифатида ҳуқуқий асосини ташкил қилиш;
- мамлакатимиз ахборот индустриясини мустаҳкамлаш.

Шундай қилиб, ахборот тизимини аппарат, дастурӣ, ахборӣ, ташкилий ва ҳуқуқий таъминотларнинг мажмуаси сифатида кўришимиз мумкин.



Ўқитувчи машғулотни «Беш дақиқалик эссе» интерактив ўқитиши технологиясидан фойдаланиб яқунлаши мумкин. Бунда ўқувчилардан қўйидаги саволларга ёзма жавоб беришлари сўралади:

1. Мазкур мавзуда сизларга нима ёқди ва нималарни билиб олдингиз?
2. Жавоб топа олмаган бирорта саволни ёзинг.

## **7- Мавзу: Информатика фанидан ўқувчилар билимини назорат қилиш усуллари**

Ўқувчи билими, малака ва маҳоратини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг муҳим тузилиши компонентидир ва бутун ўқув йили давомида системали изчилилк ва таълимнинг пухталиги принципларига мувофиқ олиб борилади. Шу билан билимни текшириш ва баҳолаш турлари мавжуд.

Кандай ечилаётганига, яъни ўқувчи қандай билимга, малака ва маҳоратга, дунё қарashi ва ахлокий-эстетик қарашлар ҳолда ижодий фаолиятига эга эканлигига эътибор қаратиш муҳим. Асл моҳияти яна ўқувчини ўқишига қандай муносабатда бўлишига, қандай шуғулланяпти ва хоказоларга боғлиқ.

Буларнинг барчаси билимни текшириш ва баҳолашнинг турли усулларини қўллашнинг зарурлигини кўрсатади. Информатика буйича бир даврда ўқувчилар билимини жорий назорат қилишнинг турларини классификациясини кўриб чиқамиз:

- оғзаки сўроқ, уй иши, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини кузатиш,
- лаборатория иши назоратининг ижодий шакли.

Ўқувчиларнинг билимини назорат қилишда информатикадан қизиқарли рефератлар, кроссвордлар, ребуслар таклиф қилиш мумкин.

Оралиқ назорат жорийга қараганда кўпроқ мустақил назорат тури. Унда ўқув дастурларини ва аниқ ўқув фанининг ўзига хос ҳусусиятларини чуқур ҳисобга олиш имконияти бор. Оралиқ, жорий ва якуний назоратнинг турли мақсадлари уларнинг турли функцияларида ўз аксини топади. Оралиқ назоратнинг қуидаги функциялари бор: ўқув фаолиятининг самара даражасини (баҳолаш) текширув, диагностик (орқада қолиш сабабларини эълон қилиш); ташкилий (қулланилаётган методлар самаралари); тарбиявий-мотивацион (оралиқ назорат натижалари билан ўқувчиларнинг ўзларини ўzlari баҳолашини мустаҳкамлаш.)

Оралиқ назоратнинг мақсади ўқувчиларнинг ўқув соҳасида маълум бир мавзуларининг ўзлаштирилгалигини текшириш. Оралиқ назорат ўқитувчи томонидан оғзаки ва ёзма шаклда ўтказилиши мумкин.

## **Информатикадан диктант**

Информатика буйича диктант ўзаро тематик боғланган, лекин матн 4-8 иборалардан иборат. Диктантдаги гаплар аниқлик ва қисқалик билан ажралиши керак. Ўқувчи эшитаётган вазифани бажариши лозим. Шунинг учун узун ибора ёки чалкашлик диктантга тўғри келмайди.

ACCESS МОБТ мавзуси буйича диктант саволлари:

1. ACCESS МОБТ дастлабки оиласининг иловаларини санаб беринг.
2. ACCESS МОБТ нигн қайси объекти «тескари» шакл бўлади?
3. ACCESS МОБТ нинг қайси иш режими объект тузилмасини ўзгартиради?
4. Кайси тугмача ёрдамида маълумотлар омборини яратиш устаси ишга туширилади?
5. Маълумотлар омборини яратиш учун қайси буйруқни бажариш керак?
6. Маълумотлар омборини очиш учун қайси буйруқни бажариш керак?
7. Маълумотлар омбори қандай излаб топилади?

Якуний назорат ёзма иш, оғзаки ва тест шаклида ўтказилади.

Ёзма иш якуний назоратнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бу сезиларли қисқа вақт ичида ўқувчи билимини баҳолаш, хам баҳоларнинг холислиги имконияти билан тушунирилади. Яна бир афзаллиги: баҳонинг пасайишига олиб келган, ўқувчи йўл қўйган хатолар ва ноаниқлар, хамда мунозарали холатларни хал қилишда асосланган ёндашиш. Бу усулнинг мохияти ўқитувчи бир икки дарс ўтгач, ўқувчи билимини текшириш мақсадида ёзма иш ўтказади.

Ёзма ишни ўтказишида қатор дидактик талабаларга эътибор қаратилиши керак. Биринчидан, ёзма иш фақат ўтилган материал яхши ўзлаштирилганлигига ўқитувчининг ишончи комил бўлса ўтказилади. Иккинчидан, ўқувчиларга олдиндан эълон қилиниши керак ва тайёр вазифалар ишлаб кўрсатилади. Учинчидан, ёзма иш ичида ўтилган дарслар мазмунини берувчи ижодий саволлар бўлиши керак. Туртинчидан, ўқувчилар мустақил ишлаб, кўчиришга йўл қўймаслиги керак. Ишни, ниҳоят, ўқитувчи эътибор билан анализ қилиши керак.

Мисол сифатида информатикадан қуидаги вазифаларни келтирамиз.

1-мисол. Ўқувчиларга тўлдириш учун Т-схема тарқатилади. Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини кўядилар.


<i>xa</i>	<i>Фикр-мурохазалар</i>	<i>Йук</i>
	Асосий берилгандар бошқа ячейкаларнинг қийматлари буйича аниқланмайди.	
	EXCEL қуидаги бүйрүк билан ишга туширилади: Пуск-Настройка-EXCEL	
	EXCEL ҳужжати ишчи китоб деб аталади.	
	Устунлар лотин ҳарфлар билан белгиланади	
	Устунлар сони 26 та	
	Ячейка номи ячейка жойлашган устун ва сатр номерларидан иборат	
	Ном майдонида сатр номери кўрсатилади	
	Формула сатрида фаол ячейкадаги маълумотлар акс эттирилади	
	Диапозон – бу ячейкалар грухи	
	Ячейкада матн, формула, сон бўлиши мумкин	
	Формула «С» белгиси билан бошланади	
	Тўлдириш маркери ячейкадаги маълумотларни нусхалайди	

Тест (инглиз – text - тажриба) диагностика методи бўлиб, стандарт саволлар берилади.

Тест системаси ўқувчиларни баҳолашнинг бошқа қурилган методларига қараганда қандай афзаликка эга? Ундан фойдаланиш моҳияти нимада? Бу саволларга жабов берамиз.

1. Барча ўқувчиларга тенг шароит яратилади (вақт ҳисобида хам, тест саволларини танлаш ҳисобида хам).
2. Маълум вақт ичida хам ўқувчиларнинг кенг доирасини, хам мавзунинг тулиқ мазмунини қамраб олиш мумкин.
3. Берилган саволларда тасодифийлик элементлари камаяди, бу эса имтиҳон олувчининг нохолислигини йўқقا чиқаради.
4. Имтиҳон олувчи ва топширувчи ўртасида субъектив фикрни йўққа чиқаради.
5. Текширишга вақт ва куч сарфлаш камаяди, шу билан бирга ўқитувчи ва ўқувчи устида назоратни енгиллаштиради.
6. Тест жавобларига машина томонидан тезда статистик ишлаб чиқиши имкониятига эга бўлади, чунки савол ва жавоблар стандарт шаклга эга.

Тестларни бир қанча турлари мавжуд: эслаш ва тулдириш учун тестлар; танлов тестлари. Танлов тестлари ўз навбатида алтернатив, кўп танловли ва кесишувчи танловли тестларга бўлинади.



4—расм. Тестларнинг турлари

Биринчи турдаги тестлар ўқувчиларга гапдаги ёки боғловчи матндарға бўшлиқларни тұлдириш вазифасини қўяди. Масалан:

1-тест. Қолиб кетган сўзни қўйинг.

Белгили ўзгарувчанлик - бу .... олинган белгилар кетма-кетлиги.

А. Қўштироқ.

В. Қавс.

С. Думалоқ қавс.

Д. Квадрат қавс.

Муқобил тест - бу ўқувчи иккита “ха ёки йўқ” жавобларини танлаш керак бўлган вазифалар.

2-тест. Байт 8 битдан иборатми?

А. ха

В. йўқ

Кесишувчи танловли тестлар бир қанча вазифалардан иборат бўлиб, бу вазифалар бажарилгандан сўнг ўқувчи олган натижалар ва тахмин қилинган натижалар ўртасида мувофиқни текширади.

3-тест. Ҳар бир сон учун Бейсик тилида ёзув топинг.

- |                  |              |
|------------------|--------------|
| a) 7             | 1) 3E -10    |
| б) 6,0           | 2) 1         |
| в) 7,345678      | 3) 4.E 27    |
| г) 0,00012       | 4) 87 8787.8 |
| д) 0,0000000003  | 5) 6.0       |
| е) $4 * 10^{27}$ | 6) 999. E-11 |
| ж) 2,34455628921 | 7) 12. E-5   |
| з) 1,000000001   | 8) 7         |
| и) 878787,8      | 9) 2.344556  |

к)  $9,91 \cdot 10^{-12}$       10) 7. 345678

Кўп танловли тестлари вазифа ва жавоблар тўпламидан (жавоблардан бири тўғри) иборат. Ўқувчи ушбу тўпламдан унинг фикрига тўғри хисобланган жавобини танлаш керак.

4-тест. Бейсик-бу:

- А. Программа
- В. Программалаш тили.
- С. Юқори даражали программалаш тили.
- Д. Иккиланган код тили.

**Вазифа: Информатика фанининг битта мавзуси бўйича ўқувчилар билимини назорат қилиш учун ҳар хил турдаги тестлардан тузинг.**

**Ҳар бир тест турига – бештадан**

Хозирги вақтда бир неча хил тестлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзининг афзаллик ва камчиликларига эга. Аммо компьютерда тест олиш кўп жихатдан ўқитувчи ва ўқувчи ишида янгиллик яратади.

**Вазифа: Компьютердан тест олиш усулларининг ижобий томонларини аниқланг**

**Асосий атамалар:** Ўқитиш усули – бу таълим ва тарбия воситаси сифатидаги ўқитиш мақсадларига эришишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бири билан боғланган фаолиятининг тартибланган усулларида.

Информатика фанининг ўқитиш усулларидан бирлари – интерфаол усулларидир. Интерфаол ўқитиш – бу, авваламбор мулоқотли ўқитиш бўлиб, жараённинг боришида ўқитувчи ва ўқувчи орасида ўзаро таъсир амалга оширилади.

Информатика фани бўйича бир даврда ўқувчилар билимини жорий назорат қилишнинг турлари: оғзаки сўрок, уй иши, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини кузатиш; лаборатория иши, амалий иши, программалаш диктанти, тестлар.

Тест диагностика методи бўлиб, стандарт саволлар берилади. Тестларнинг бир неча хил тури мавжуд; эслаш ва тулдириш учун тестлар: танлов тестлари. Танлов тестлари ўз навбатида муқобил, кўп танловли ва кесишувчи тестларга бўлинади.



1. Ўқитиш усули деганда нимани тушунасиз?
2. Ўқитиш усулларини таърифланг.
3. Кандай назорат усулларини биласиз:

4. Кандай қизиқарли усулларини биласиз?
5. Интерфаол усуллари деганда нимани тушунасиз?
6. Кандай интерфаол ўқитиш усуллари сизга маълум?
7. Информатика ўқитишда интерфаол усулларни қандай хулласа бўлади?  
Мисол келтиринг.
8. Информатика фанидан ўқувчилар билимини назорат қилишнинг мақсад ва вазифалари қандай?
9. Сиз информатика фани буйича ўқувчилар билимини назорат қилишнинг қандай турларини биласиз? Уларни таърифланг.
10. Тест деганда нимани тушунасиз?
11. Тестларнинг қандай турлари мавжуд?
12. Кандай қилиб тестни тугри тузиш мумкин? Мисол келтиринг.

### **“ИНФОРМАТИКА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ” ФАНИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. «Информатика ўқитиш методикаси» фани нимани ўрганади?
2. «Информатика ўқитиш методикаси» фани олдига қандай асосий вазифалар қўйилади?
3. «Информатика ўқитиш методикаси» фанининг ривожланиш тарихи ҳақида нимани биласиз?
4. «Информатика» курсини узлуксиз ўқитиш тизими деганда нимани тушунасиз?
5. Бошланғич синфда информатика бўйича қандай масалалар ўрганилади?
6. ЎУТ ДТС деганда нимани тушунасиз?
7. «Информатика» курсининг ўқув-услубий таъминоти нимадан ташкил топади?
8. Ўқитиш шакллари деганда нимани тушунасиз? Ўқитиш шаклларини таърифланг.
9. Информатикани ўқитишда қандай ўқитиш шаклларидан фойдаланилади?
10. «Информатика» фаниниг битта мавзуси бўйича лаборатория ишларини тузиб беринг.
11. Ўқитиш методи нима? Қандай методларни биласиз?
12. Кўргазмали метод қандай метод?

13. Ўқитишининг интерфаол методи?
14. “Инсерт” технологияси баён қилинг? Информатиканинг қайси мавзусига қўллаш мумкин?
15. Ақлий хужум методини таърифланг? Машғулотнинг қайси қисмига қўллаш мумкин
16. Чигал мантиқий занжирлар методини таърифланг?
17. Беш минутлик эссе усулини баён этинг
18. «Информатика» фанидан ўқувчилар билимини назорат қилиш
19. Бахолашнинг тест усули хақида баён қилинг
20. Тест турлари
21. «Информатика» фанини ўқитишда интерфаол усулларни қандай қўлласа бўлади? Мисол келтиринг.
22. «Информатика» фанидан ўқувчилар билимини назорат қилишнинг мақсад ва вазифалари қандай?
23. Сиз «Информатика» фани бўйича ўқувчилар билимини назорат қилишнинг қандай турларини биласиз? Уларни таърифланг.
24. Тест деганда нимани тушунасиз?
25. Тестларнинг қандай турлари мавжуд?
26. Замонавий информатика хонаси бу нима?
27. Замонавий информатика хонасининг асосий функция ва вазифалари нимадан иборат?
28. Замонавий информатика хонасини жиҳозлашдаги асосий талабларига нима қиради?
29. Замонавий информатика хонасида компьютерларни жойлаштиришнинг қандай турлари мавжуд? Улардан қайси бири кўпроқ маъқул?
30. Замонавий информатика хонасида ишлаш техника хавфсизлигини ёзиб беринг.
31. Замонавий информатика хонасида ўқув жараёнини қандай ташкиллаштирилади?
32. Ўқув машғулотларини режалаштириш
33. «Информатика» фани бўйича машғулотларни режалаштиришда қандай ҳужжатларни тайёрлаш лозим?
34. «Информатика» фаннинг битта мавзуси бўйича тематик режасини ва битта машғулот режасини янги педагогик технологияси асосида келтиринг.
35. Информатика бўйича дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш

36. Тўгарак хақида баён қилинг? Информатика фани бўйича тўгаракларни қандай ташкил этилади?
37. “Microsoft Word” матн мухаррири мавзусини ўтиш бўйича машғулот ишланмасини ёритинг
38. “Microsoft Excel” электрон жадвали мавзусини ўтиш бўйича машғулот ишланмасини ёритинг
39. “Internet Explorer” браузери мавзусини ўтиш бўйича машғулот ишланмасини ёритинг
40. Педагогик технология нима?
41. Педагогик маҳорат?

## «ИНФОРМАТИКА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ» ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. «Информатика ўқитиш методикаси» фани нимани ўрганади?
  - A) Таълим жараёнини тартиблашни ўрганадиган фан
  - B) информатиканинг соҳаларини ўрганадиган фан
  - C) турли ёшдаги ўрганувчиларга информатикани ўргатиш жараёнининг қонуниятларини ўрганадиган фандир
  - D) олий таълимда ўқитиладиган фан
2. «Информатика ўқитиш методикаси» фан сифатида ривожлана борди:
  - A) XX аср бошидан.
  - B) XX асрнинг иккинчи ярмидан.
  - C) XIX асрдан.
  - D) биринчи ЭҲМ лар пайдо бўлганидан.
3. Қуидаги олимлардан қайси бири «Информатика ўқитиш методикаси» фанининг ривожига хисса қўшмаган?
  - A) Абдуқодиров А.
  - B) Зиёхожаев М.
  - C) Ершов П.
  - D) Винер
4. «Информатика ўқитиш методикаси» фани олдида қуидаги вазифалар туради:
  1. Информатикани ўрганиш сабабларини ўрганиш.
  2. Информатика ўқув фанининг таркибини аниqlаш.

3. Кўзланган мақсадларни бажаришга қаратилган энг қулай усулларни ишлаш.
4. Информатиканинг энг қулай ўрганиш усулини тақдим этиш.
  - A) 1, 2
  - B) 1, 2, 3
  - C) 1, 3, 4
  - D) 1, 2, 3, 4
5. Мактаблар учун «Информатика ва хисоблаш техникиси асослари» ўкув қўлланмасини яратишда нималар эътиборга олиниши зарур.
  1. Фанга боғлиқлик.
  2. Амалиётда қўлланилиши.
  3. Кенг кўламлилик
  4. Фаоллик
  - A) 1, 2,4
  - B) 1, 2, 3
  - C) 1, 3, 4
  - D) 1, 2, 3, 4
6. Информатика ўқув курсининг ўқув-методик таъминоти нималардан тузилади?
  1. Дарсликлар.
  2. Ўқув қўлланмалари.
  3. Журнал мақолалари.
  4. Ўқув дастурлари.
  5. Услубий ишланмалар.
  - A) 1, 2
  - B) 1, 4
  - C) 1, 4, 5
  - D) 1, 2, 3, 4, 5
7. Информатика курсининг дастурий таъминотига нимала киради?
  - A) Компьютер ва педагогик дастурлар
  - B) асосий дастурлар таъминланиши
  - C) операцион тизими
  - D) педагогик дастурлар
8. Таълим-тарбияга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчининг тартибланган, ўзаро боғланган муносабатининг усуллари – бу ўқитишнинг:
  - A) услуби

- B) шакли  
C) воситаси  
D) мақсади
9. Информатика ўқитувчилари томонидан қўлланиладиган битта ўқитиш услуги ҳар хил натижани бериши мумкинми?  
A) ха, бу ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлик  
B) ха, бу қўлланилаётган услугиятга боғлик  
C) йўқ
10. «Ҳар хил саноқ тизимлар билан танишиш» мавзуси. Янги мавзуни 8–синф ўқувчиларига тушунтириш учун ўқитувчи қандай услубдан фойдаланиши керак?  
A) Оғзаки тушунтириш методи  
B) Кузатиш методи  
C) амалий метод  
D) кўргазмали метод
11. «Операцион тизим тушунчаси» мавзуси. Иш мақсади - ўқувчиларни операцион тизим билан таништириш, унинг асосий функцияларини ўргатиш. Янги мавзуни 8–синф ўқувчиларига тушунтириш учун ўқитувчи қандай услубдан фойдаланиши керак.  
A. Ёзма методи  
B. Кузатиш методи  
C. Амалий методи  
D. Кўргазмали метод
12. «Паскаль дастурлаш тилида стандарт функциялар» мавзуси.  
Шакл - ЭҲМ да амалий ишлар  
Услуб - масалани ечиш.  
Берилган дарснинг мақсадини аниqlанг.  
A) стандарт функциялар билан танишиш.  
B) стандарт функцияларни алгоритмик масалаларда қўлланилишини ўрганиш.  
C) компьютерни калькулятор режимида ишлатилишини ўрганиш.  
D) компьютерни калькуляторнинг математик ҳисоблар режимида ишлатилишини ўрганиш.
13. Қанташувчилар бир нечта гурӯхларга бўлинниб, дастурлаш бўйича аниқ бир масалани хал этишга қаратилган қайси бир услубни танлашни

маслаҳатлашади. Қанташувчиларнинг бу иши таълимнинг қайси услубига тааллуқли?

- A) интерфаол
- B) анъанавий
- C) оғзаки
- D) ёзма

14. Қуйидаги мавзуларнинг қайси бирларида «Зинама-зина» услубини кўллаш мумкин.

1. Microsoft Word дастурининг Вкладкалари
  2. Windows операцион тизими.
  3. Компьютер тармоқлари.
  4. Паскаль дастурлаш тили
  5. Интернет браузерлар
- A) 1, 3.
  - B) 2.
  - C) 2, 3, 4.
  - D) 1, 2, 3, 4, 5.

15. «Информатика» фанини ўқитишининг мақсад - ўқувчиларга дунёнинг замонавий илмий кўринишини шакллантиришда ахборот жараёнларининг аҳамиятини, жамиятнинг ривожида .....нинг аҳамиятини очиб бериш. Нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзни қўйинг.

- A) янги ахборот ва коммуникацион технологиялар
- B) педагогик технологиялар
- C) таълим ва тарбия
- D) ахборотлар

16. «Информатика ўқитиши методикаси» фанини ўқитища методик тизим тўғри келтирилган қаторни аниқланг?

- A) мақсад ва вазифалар, ўқитиши мазмуни, ўқитиши шакллари, ўқитиши услуби, ўқитиши воситалари
- B) ўқитиши мазмуни, ўқитиши шакллари, ўқитиши услуби, ўқитиши воситалари
- C) мақсад ва вазифалар, ўқитиши шакллари, ўқитиши услуби, ўқитиши хонаси
- D) мақсад ва вазифалар, ўқитиши мазмуни, дарс шакллари, ўқитиши технологиялари, ўқитиши воситалари

17. УЎТ ДТС нима?
- A) УЎТ ДТС Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Конуннинг айрим қисмини изоҳловчи асосий норматив ҳужжатдир.
  - B) меъёрий ҳужжатдир.
  - C) Таълимга қўйилган меъёр
  - D) Давлат таълим стандарти
18. ЎУТ ДТС таркибига қайсилар киради:
- 4) тарқатма материаллар
  - 5) ўқув режа
  - 6) ўқув соҳалари асосий қисмининг мазмуни (ўқув предметлари)
  - 7) баҳолаш тизими
  - 8) ишчи дастур
  - 9) бити्रувчилар тайёрлаш даражаси
- A) 1,2,3
  - B) 1,2,3,4,5,6
  - C) 2,3,4,6
  - D) 1,2,4,5
19. Ўқув режа умумтаълим соҳасида .... ва уларни ўрганиш учун кетадиган вақтини белгилайди
- A) таълим
  - B) ўқиши
  - C) ўқув предметни
  - D) меъёрий ҳужжатни
20. «Информатика» фанини ўқитишида асосий ўқиши шаклларини кўрсатинг
- A) маъруза, амалий машғулот, лаборатория машғулоти
  - B) маъруза, семинар
  - C) амалий машғулот ва семинар
  - D) маъруза, амалий машғулот, семинар
21. “Информатика” фани бўйича мос баҳолаш турларини кўрсатинг:
- A) тест, уйга вазифа, ёзма иш
  - B) тест, лаборатория машғулоти, уйга вазифа
  - C) ёзма иш, диктант, тест
  - D) оғзаки, ёзма иш, диктант
22. Ушбу тест қайси тест турига тегишли?
- Байт 8 битдан иборатми?
- A. Ҳа      B. Йўқ

- A) Муқобил тест
  - B) Кесишувчи танловли тест
  - C) Кўп танловли тест
  - D) Тўлдириш тести
23. Мактабда «Информатика ва ҳисоблаш техникиаси асослари» фани қайси синфдан бошлаб ўрганилади?
- A) 8 – синфдан бошлаб.
  - B) 5- 9 - синфдан бошлаб.
  - C) 1 - 4 – синфдан бошлаб.
  - D) 10-12 – синфдан бошлаб.
24. «ЭҲМда ахборотларни тасаввур қилиш» мавзуси мактабларда биринчи маротаба қайси синфда ўрганилади?
- A) 9 – синфда.
  - B) 8 – синфда.
  - C) 6 – синфда.
  - D) 5 – синфда.
25. «Маълумотлар омбори» мавзуси мактабларда биринчи маротаба қайси синфда ўрганилади?
- A) 8 – синфда.
  - B) 9 – синфда.
  - C) 7 – синфда.
  - D) 5 – синфда.
26. «Матн муҳаррири» мавзуси биринчи маротаба қайси синфда ўрганилади?
- A) 8 – синфда
  - B) 9 – синфда
  - C) Академик лицейда ёки маҳсус коллежларда
  - D) 5 – синфда
27. «График муҳаррири» мавзуси биринчи маротаба қайси синфда ўрганилади?
- A) 8 – синфда
  - B) 9 – синфда
  - C) Академик лицейда ёки маҳсус коллежларда
  - D) 5 – синфда

28. .....- бу таълим ва тарбия воситаси сифатидаги ўқитиш мақсадларига эришишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бири билан боғланган фаолиятининг тартибланган усуллари.
- A) Ўқитиш шакли
  - B) Ўқитиш воситаси
  - C) Ўқитиш методи
  - D) Ўқитиш мақсади
29. Информатика хонасини ким бошқаради?
- A) завуч
  - B) директор
  - C) информатика ўқитувчиси
  - D) лаборант
30. Информатика дарсидан берилган уйга вазифани текшириш кўпроқ қайси назорат турига киради?
- A) Якуний назорат
  - B) Оралиқ назорат
  - C) Жорий назорат
  - D) Битирув имтиҳони
31. Информатика дарсида кўргазмали методни қўллашда қайси воситалардан фойдаланиш мумкин?
- 1. тарқатма материаллар
  - 2. кўргазмали материаллар
  - 3. тақдимотлар
  - 4. экскурсия
  - 5. рефератлар
- A) 2,3,5
  - B) 1,2,3,4,5
  - C) 1,2,3,4
  - D) 1,2,3
32. Информатика дарсида қандай интерфаол методларни қўллаш мумкин?
- A) Венна, Кластер, Зина-зина
  - B) Муз ёпар, ФСМУ, кузатиш
  - C) Савол-жавоб, Т-схема, оғзаки
  - D) Ёзма, китоб билан ишлаш, экскурсия
33. .... - бу умумий ўрта мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллажларининг ўқув-тарбиявий қисми бўлиб, ўқув ҳисоблаш

техникаси комплекти билан, ўқув кўрсатиш қўлланмалари, ўқув намойиш, мебеллар ва информатика курси бўйича назарий ҳамда амалий дарсларни ўтказишга мўлжалланган хонадир.

- A) Информатика хонаси
  - B) Математика хонаси
  - C) Ўқув аудитория
  - D) Синф хонаси
34. Ўқувчиларнинг иш жойлари таркибига кирувчи компьютер курилмаларини кўрсатинг
- A) принтер, сканер, ксерокопия
  - B) клавиатура, системали блоки, монитор, сичқонча, принтер, сканер, ксерокопия
  - C) клавиатура, системали блоки, монитор, сичқонча
  - D) проектор, компьютер, монитор, системали блок
35. Ўқитувчининг иш жойлари таркибига кирувчи компьютер курилмаларини кўрсатинг
- A) принтер, сканер, ксерокопия
  - B) клавиатура, системали блоки, монитор, сичқонча, принтер, сканер, ксерокопия
  - C) клавиатура, системали блоки, монитор, сичқонча
  - D) проектор, компьютер, монитор, системали блок
36. Информатика дарси бўйича ўқув машғулотларини режалаштириш тизими ўз ичига қуидагиларни олади
1. Йиллик ва ярим йиллик режалаштириш; 2. Уйга вазифаларни текшириш; 3. Ҳар бир машғулотнинг режалаштириш; 4. Конспект ёзиш; 5. Тематик режалаштириш
- A) 1, 3, 5
  - B) 1,2,3,4,5
  - C) 1, 4, 5
  - D) 1,3,4,5
37. 1- синф ўқувчиларига “Компьютер саводхонлиги” бўйича қандай мавзуларни ўргатиш тавсия қилинади?
- A) Компьютер асосий қурилмалари билан танишув
  - B) Қушимча қурилмалари билан танишув
  - C) матнлар билан ишлаш
  - D) расмларни таҳрирлаш



## ТЕХНОЛОГИК ХАРИПА

<i><b>МАВЗУ</b></i>	<i><b>Калькулятор дастури ҳақида умумий түшүнчә</b></i>				
<i><b>Мақсад ва визерталар</b></i>	Калькулятор дастури билан танишириш, талабаларга мантиқий фикрлаш ва мустақил ишилаши ўргатыш				
<i><b>Үкүв жараёнининг маңынди</b></i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Калькулятор дастури;</li> <li>- Калькулятор дастурининг имкониятлари;</li> <li>- қалькуляторнинг оддий ва муҳандислиқ күринишлери.</li> </ul> 				
<i><b>Үкүв жараёнини амалга ошириш технологияси</b></i>	<p><b>Метод:</b> оғзаки баён, сұхбат-мунозара, ақлий хүжүм, “Чархпалақ”, “Близ-сұров” ва “Бумеранг” технологиялари</p> <p><b>Форма:</b> мағұруза, баён қилиш, җамоа билан ишилаш</p> <p><b>Восита:</b> тарқатма материаллар, досқа, қомпьютер техникасы, марқерлар, плақатлар</p> <p><b>Ұсул:</b> тайёр ёзма материаллар, таяни иборалар, слайдлар</p> <p><b>Назорат:</b> оғзаки савол-жавоб, қузатиш, ёзма ва оғзаки текширув, “Чархпалақ” технологияси</p> <p><b>Бағылаш:</b> ўз-үзини бағолаш, гүрухларни бағолаш, раҳбатлантириш</p>				
<i><b>Күтіладыган нағызлар</b></i> 	<table style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <thead> <tr> <th style="text-align: center;"><i><b>ұқитувчи</b></i></th><th style="text-align: center;"><i><b>талабалар</b></i></th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td style="vertical-align: top;"> <ul style="list-style-type: none"> <li>- қизиқтиради;</li> <li>- үйнаптиради;</li> <li>- бошқаради;</li> <li>- бағолайди;</li> <li>- мақсадға эришади;</li> <li>- янгилікшар қыртади;</li> <li>- талабаларни өвристик фәолиятини оширади</li> </ul> </td><td style="vertical-align: top;"> <ul style="list-style-type: none"> <li>- билемларни әгаллай олади;</li> <li>- мустақил ва мантиқий фикрлашга ўрганади;</li> <li>- берилған дидактикалық материалдарни ўрганади;</li> <li>- ўз-үзини бағолайди ва бағоланади;</li> <li>- яққа ва гүрух бўлиб ишилашга кўниқма ҳосил қиласди;</li> <li>- Кўп материалдарни ўзлаштиради</li> </ul> </td></tr> </tbody> </table>	<i><b>ұқитувчи</b></i>	<i><b>талабалар</b></i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қизиқтиради;</li> <li>- үйнаптиради;</li> <li>- бошқаради;</li> <li>- бағолайди;</li> <li>- мақсадға эришади;</li> <li>- янгилікшар қыртади;</li> <li>- талабаларни өвристик фәолиятини оширади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- билемларни әгаллай олади;</li> <li>- мустақил ва мантиқий фикрлашга ўрганади;</li> <li>- берилған дидактикалық материалдарни ўрганади;</li> <li>- ўз-үзини бағолайди ва бағоланади;</li> <li>- яққа ва гүрух бўлиб ишилашга кўниқма ҳосил қиласди;</li> <li>- Кўп материалдарни ўзлаштиради</li> </ul>
<i><b>ұқитувчи</b></i>	<i><b>талабалар</b></i>				
<ul style="list-style-type: none"> <li>- қизиқтиради;</li> <li>- үйнаптиради;</li> <li>- бошқаради;</li> <li>- бағолайди;</li> <li>- мақсадға эришади;</li> <li>- янгилікшар қыртади;</li> <li>- талабаларни өвристик фәолиятини оширади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- билемларни әгаллай олади;</li> <li>- мустақил ва мантиқий фикрлашга ўрганади;</li> <li>- берилған дидактикалық материалдарни ўрганади;</li> <li>- ўз-үзини бағолайди ва бағоланади;</li> <li>- яққа ва гүрух бўлиб ишилашга кўниқма ҳосил қиласди;</li> <li>- Кўп материалдарни ўзлаштиради</li> </ul>				
<i><b>Келгуси режалар (Пахалил ва ўзгарышлар)</b></i> 	<table style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <thead> <tr> <th style="text-align: center;"><i><b>ұқитувчи</b></i></th><th style="text-align: center;"><i><b>талабалар</b></i></th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td style="vertical-align: top;"> <ul style="list-style-type: none"> <li>- дарс таҳлил қилиш;</li> <li>- қасбий маҳорат устидаги ишилаш;</li> <li>- мавзуни янги мағьлумотлар билан бойитиш;</li> <li>- педагогикалық технологиялар асосида талабалар қизиқишини ортириш;</li> <li>- талабаларни назорат қилиш</li> </ul> </td><td style="vertical-align: top;"> <ul style="list-style-type: none"> <li>- нутқни ўстириш;</li> <li>- матн билан мустаҳкамлашни ўрганиш;</li> <li>- мустақил фикрлашга ўрганиш;</li> <li>- мавзуга оид тарқатма материаллардан фойдаланиш ва ўзлаштириш;</li> <li>- ұқитувчидан қўрсатмалар олиш.</li> </ul> </td></tr> </tbody> </table>	<i><b>ұқитувчи</b></i>	<i><b>талабалар</b></i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- дарс таҳлил қилиш;</li> <li>- қасбий маҳорат устидаги ишилаш;</li> <li>- мавзуни янги мағьлумотлар билан бойитиш;</li> <li>- педагогикалық технологиялар асосида талабалар қизиқишини ортириш;</li> <li>- талабаларни назорат қилиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- нутқни ўстириш;</li> <li>- матн билан мустаҳкамлашни ўрганиш;</li> <li>- мустақил фикрлашга ўрганиш;</li> <li>- мавзуга оид тарқатма материаллардан фойдаланиш ва ўзлаштириш;</li> <li>- ұқитувчидан қўрсатмалар олиш.</li> </ul>
<i><b>ұқитувчи</b></i>	<i><b>талабалар</b></i>				
<ul style="list-style-type: none"> <li>- дарс таҳлил қилиш;</li> <li>- қасбий маҳорат устидаги ишилаш;</li> <li>- мавзуни янги мағьлумотлар билан бойитиш;</li> <li>- педагогикалық технологиялар асосида талабалар қизиқишини ортириш;</li> <li>- талабаларни назорат қилиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- нутқни ўстириш;</li> <li>- матн билан мустаҳкамлашни ўрганиш;</li> <li>- мустақил фикрлашга ўрганиш;</li> <li>- мавзуга оид тарқатма материаллардан фойдаланиш ва ўзлаштириш;</li> <li>- ұқитувчидан қўрсатмалар олиш.</li> </ul>				

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. «Юксак маънавият енгилмас қуч»., Т. «Ма`навият», 2008 й.
2. Ўзбекистон республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни, Т., 1997 й
3. Ўзбекистон республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Т., 1997 й
4. Колягин Ю.М. и др. Методика преподавания математики в средней школе. Общая методика.. –М. Просвещение, 1996 г.
5. Юлдашев У.Ю., Закирова Ф.М. Методика преподавания информатики (часть 1, часть 2). ТГПУ, Т. 2004.
6. Юлдашев У.Ю., Закирова Ф.М. Информатика ўқитиш методикаси (1-қисм, 2-қисм). ТДПУ, Т. 2004.
7. Лыскова В.Ю. Обзорные лекции по методике преподавания информатики. Учебное пособие. Тамбов. 2002. 90 с.
8. А.А.Абдукодиров, У.Ю.Юлдашев, Ф.М.Закирова, И.Мирмахмудов. Информатикани ўқитиш услубиёти (Маъruzалар матни). – ТДПУ, 2011 й. – Б. 126.
9. [www.exponenta.ru/educat/class/courses](http://www.exponenta.ru/educat/class/courses)
10. <http://www.book.ru>
11. <http://shops.h1.ru>
12. <http://pascal.dax.ru>
13. <http://www.kurs-lab.ru>
14. <http://centerolimp.narod.ru>
15. [http://citforum.ru/programming/bp70\\_ng](http://citforum.ru/programming/bp70_ng)
16. <http://www.intuit.ru>
17. <http://www.exponenta.ru>



